

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**“Ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси**

**Сиёсий фанлар номзоди Н.Ш.Бердалиев**

**«ПОЛИТОЛОГИЯ» ФАНИДАН  
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

**ТОШКЕНТ-2009**

## **1-Мавзу: Политология фанинг предмети ва максади. Сиёсий карашлар ва таълимотлар.**

### **РЕЖА**

1. Политология фани, предмети максади ва вазифалари.
2. Политология фани конун ва тушунчалари.
3. Сиёсий карашлар ва таълимотларнинг шаклланиши.
4. Шарқда сиёсий фикр ва гоялар

Политология юононча "polis"-давлат, сиёсат ва ижтимоий иш, "logiya"-фан ёки таълимот сузларидан олинган булиб давлат, сиёсат хакидаги фан ёки таълимот маъносини беради. Унинг обьекти давлат ва унинг фаолияти хамда жамиятнинг сиёсий хаёти муносабатларида руй берадиган воеа-ходисаларни, узгаришларни илмий- назарий жихатдан асослаб бериш билан белгиланади. "Политология" нинг сиёсий фан сифатидаги роли ва ахамияти, унинг сиёсий моҳиятга эга булган воеа ходисаларни алоҳида олинган бир мамлакат доирасида эмас, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида сиёсий муаммоларни хал килинишида эришилган натижаларни урганиш ва ургатиш билан белгиланади. Тадқикотларнинг амалий натижалари "Политология" фанида умумлаштирилади ва унга асосланган холда мухим сиёсий назария ва хуллосалар ишлаб чикилади.

"Политология" фани предметини куйдагича таърифлаш мумкин. "Политология" жамиятнинг сиёсий хаётида ва сиёсий муносабатда хамда жаҳон сиёсатининг хилма -хил масалаларини ва уларда сиёсатнинг намоён булиши ёки таъсир этиши хусусиятларини урганувчи фандир. Жамиятни бошқаришга ва ундаги муаммоларни хал килишга даҳлдор булган давлат сиёсий партиялар ва харакатлар, ҳалкаро сиёсий ташкилотлар, ижтимоий ва оммавий жамоа ташкилотлари хамда ижтимоий гурӯхларнинг сиёсий фаолияти хам "Политология" нинг предметини ифода этади.

"Политология" нинг мазмуни деганда шу фан урганадиган масалаларнинг бирлиги тушинилади. "Политология" фани масалаларига хос булган жихатларини хисобга олган холда уларни учта асосий кисмга булиш мумкин.

Биринчи кисми-"Политология" ни илмий назарий ва методологик асосларини ифода килувчи масалалар хакида. Шундай масалалардан бири "Политология" нинг вужудга келиши ва ривожланишини урганувчи масалалардир. "Политологиянинг" фан сифатида вужудга келишидаги мухим рол уйнайдиган сиёсий карашлар.

Иккинчи кисм- сиёсий хаёт, муносабатлар масаларига доир мавзулар. Сиёсий жараёнлар, сиёсий муносабатлар, жамиятнинг сиёсий системаси ва унинг тузилиши, сиёсий хокимият ва фуқаролик жамияти, сиёсий партиялар ва харакатлар, ижтимоий ва оммавий харакатлар,

ижтимоий гурухлар сиёсий онг ва сиёсий тарбия, маданий сиёсат ва сиёсий маданият сингари хилма-хил масалалар урганилади.

Учинчи кисмга-жахон сиёсати ва халкаро сиёсий муносабатларга доир мавзулар киради. Бу кисмда хозирги халкаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари, уруш ва тинчлик сиёсати умумбашарий муамоларнинг сиёсий жихатлари халкаро сиёсий ташкилотлар, давлатлар ташки сиёсатининг мохияти ва хусусиятлари сингари масалалар урганилади.

Политология, хар бир фан сингари, инсонга хизмат килати ва узига хос вазифаларни (функцияларни) бажаради. Бу вазифалар куйидагилардан иборат:

-Урганиш функцияси, яъни сиёсий воеа ва жараёнларни урганиш, таърифлаш ва тушинтириш.

-Ургатиш функцияси, яъни сиёсий бошкарувнинг оптималь моделини яратиш, аник бир холатда кандай йул тутишни курсати, бошкарувга доир амалий тавсияларни ишлаб чикиш.

-башорат килиш (Прогноз), футурология, яъни сиёсий жараёнлардан келиб чикиб келажак сиёсий воеа ходисалар хакида тахминлар, башоратлар бериш.

-Аксиологик, яъни сиёсий фаолиятни, сиёсий воеа ходисаларни баҳолаш функцияси.

- Сиёсий ижтимоийлаштириш, демократик давлатларда фуқароликни хис килиш, ахолининг демократик маданиятини шакллантириш.

- Сиёсий курилиш, сиёсий ислохот ва узгаришларга назарий асос булиб хизмат килиш.

2."Политология" нинг конуниятлари хам бошка сиёсий фанларнинг конуниятлари каби умумий кадрият хисобланади. Улар миллий хусусиятга эга булмай балки интернационал мохиятга эгадир. Бу конуниятлар объектив характерга эга булиб, уларни кишиларнинг хошиш иродаси билан узгартириши мумкин эмас.

"Политология" конуниятлари узлари кенг амал килиш хусусиятларига кура икки гурухни ташкил килади.

Биринчи гурухни ташкил этувчи гурухларга мамлакатларнинг ички сиёсий хаётида амал киладиган конуниятлар киради. Булар ижтимоий хаётни демократлаштириш, сиёсий хокимият механизмларидан самарали фойдаланиш, сиёсий бошкариш принципларига амал килиш сингари куплаб умумий конуниятлардир. Жамиятни иктисадий базаси ва сиёсий хокимият уртасидаги нисбатни акс этдирувчи, ижтимоий тизим булган сиёсий хокимиятни ривожлантириши характерлайди ва нихоят сиёсий, руҳий конунларни шахс билан хокимият уртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Иккинчи гурух-халкаро сиёсий муносабатлар соҳасида амал киладиган умумий конуниятлар ташкил этади. Буларга турли давлатлар

билин хамкорликни амалга оширишнинг халкларни тинч-тотув яшаши учун кураш, халкаро низо ва келишмовчиликларни бартараф этишда сиёсий воситалардан фойдаланиш муаммоларни хал килишда сиёсий кучдан фойдаланиш, сингари умумий конуниятлар киради.

"Политология" нинг категориялари хам бошка ижтимоий сиёсий фанларнинг категориялари каби шу фанда урганиладиган масалаларни умумий тарзда ифодалашда кулланилади.

Категория тушунчаси сиёсий фанларда жамият хаётида руй берадиган воеа-ходисалар, узгаришларни умумий тарзда ифодалашга хизмат киладиган илмий атамалар хисобланади. Шу жихатдан, "Политология" фани тушунчаси жамиятнинг сиёсий хаёти ва сиёсий муносабатлари, давлатларнинг ички ва ташки сиёсати, жаҳон сиёсатининг хилма-хил масалаларини умумий тарзда ифодаласа, "сиёсий муносабатлар" категорияси оркали эса сиёсат субъектлари уртасидаги муносабатлар умумий тарзда акс этдирилади. Сиёсат, сиёсий хокимия, давлат хокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар, сиёсий онг, сиёсий маданият, халкаро сиёсий муносабатлар шу каби категориялар оркали сиёсий хаёт ва сиёсий муносабатларнинг хилма-хил масалалари умумий тазда ифодаланади.

"Политология" нинг категориялари сиёсатга дахлдор масалаларни ойдинлаштириш, бир тушунча оркали кенг маънога эга булган фикрни умумлаштириш холида ифодалашни билдиради.

"Политология" уз олдида турган вазифаларни хал килишда турли усуллардан фойдаланади. Политологияни максади шундан иборатки диалектик усул ёрдамида фанни янги илмий холда ва холосалар билан бойитишдан иборатдир.

"Политология" фанини урганишда илмий-назарий жихатдан эмприк-социологик усулда хам ифодаланилади. Бу усул суров анкеталаштириш статистик тахлил килишга асосланади. Бу усул оркали жамиятнинг сиёсий хаёти ва сиёсий муносабатларида руй берадиган узгаришлар тугрисида жамоатчиликнинг фикри урганилади.

3. "Политология" фан сифатида жамият хаётининг турли соҳаларида буладиган узгаришларда сиёсатнинг урни ва ролини илмий-назарий жихатдан асослайди. Сиёсий хаёт ижтимоий хаётнинг бир жаб хаси экан, сиёсатга ташки ижтимоий ходисалар доим таъсир килади ва уз навбатида сиёсатдан акс таъсир олади. Ягона билимни булиб урганиш унинг асл моҳиятини йукотишига, ижтимоий борликни бир ёклама тушинишга олиб келиши мумкин, шу туфайли барча ижтимоий фанлар узаро муносабатда булишади ва бир тизимни ташкил этишади. Шунинг учун бу фан бошка ижтимоий фанлар билан алоказорликда булади. Айни шу жараёнда "Политология" фани "Фалсафа", "Иктисодий назария", "Сиёсат ва хукукнинг таъмоиллар тарихи", "Сиёсат тарихи", "Сиёсий социология" каби фанлар билан яқин муносабатда булади. Масалан, миллий муносабатлар билан баглик булган масалалар фалсафа, сиёсий

тариҳ, сиёсий психология, сиёсий социология каби фанларда хам урганилади. Фалсафа фани миллатларнинг вужудга келиши ва ривожланишини умум ижтимоий конунлар асосида урганса, сиёсий тариҳда асосий эътибор у ёки бу сиёсий партияларнинг миллий муносабатлари соҳасидаги вазифаларини хал этишга каратилган назарий ва амалий фаолиятини урганишга каратилган. Социал психологияда эса миллатларнинг кайфияти, уларнинг давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва харакатлар олиб борадиган миллий сиёсатга булган муносабатлари урганилади.

Энди политология билан boglik фанларни алоҳида алоҳида куриб чиксак Политологияни социология фани билан bogliklik томонисоциология ижтимоий муносабатларни кенг маънода урганса, сиёсатшунослик жамиятдаги сиёсий муносабатларни урганади Бу фанлар бир-бирини доим маълумотлар билан, гоялар билан бойитиб боради ва бир-бирига суннади. Бу фикрнинг ёркин исботи сифатида политология ва социология фанларининг узаро таъсири натижасида вужудга келган фан-сиёсий социологияни келтириш мумкин.

Фалсафа барча ижтимоий фанлар сингари политология учун хам умумий ва шахсий методларни яратишда, политологиядаги сиёсий мафкуралар назариясини яратишда ёрдам беради. Шу билан биргаликда сиёсий онгни тапхлил килишда кумаклашади.

Психология фани сиёсатдаги етакчилик (лидерлик) элиталар ходисасини урганишда аскотади. Уз навбатида политология хам психологияга сиёсий мухитнинг инсон рухиятини шаклланишида курсатадиган таъсирини урганиш учун маълумотлар беради.

Тарих ва политология кадимдан бир-бири билан boglik фанлардир, чунки тарих асосан утмишда содир булган сиёсий жараёнларнинг моҳиятини очиб беришда ёрдам беради. Уз навбатида политология урганаётган сиёсий жараёнларнинг утмишда кандай тарзда ривожланиб келишини тарих фани оркали билиб олади.

Юридик конунлар доимо сиёсатнинг бошкариш вазифасини бажариш учун хизмат килиб келган восита булган. Жамиятнинг сиёсий тизими шаклига кура юридик конунлар хам узгариб борган. Шу туфайли политология ва хукукшунослик фанлари юридик конунларни сиёсий фаолиятнинг маҳсули сифатида, лекин хар бири узига керакли томондан урганиб келингган.

Иктисолиёт жамиятнинг ижтимоий хаётининг асосий омилларидан бири ва иктисолий кучлар ва иктисолий муносабатларнинг шакли охир-окибатда жамиятнинг сиёсий тузилишини белгилаб беради. Уз навбатида сиёсий бошкарув кенг маънодаги иктисолиётни бошкариш хам деб тушунилади. Бу омиллар политологияни ва иктисолиёт назариясини узаро яқинлаштиради.

Умуман олганда, "Политология" бошка фанлардан фарк килиб давлатнинг ижтимоий муносабатларини ташкил этишдаги роли ва ахамиятини назарий жихатдан асослаб беради.

Мамлакатимизнинг миллий мустакилликка эришиши сиёсий фанларни урганиш ва укитишга булган эскича ёндошувларни батамом узгартириб юборди. Мустакиллик шароитида олий таълим тизимини такомиллаштиришнинг дастлабки тадбирларидан бири мамлакатимизда "Политология" фанини мустакил фан сифатида урганиш ва укитишга мувофик булинди. Мустакилликни датлабки йиллариданок мамлакатимизда олий укув юртларининг укув режаларида "Политология" фани киритилди ва бу фан эндиликда бошка сиёсий фанлар сингари кенг хажмда урганилмокда.

Мамлакатимизда "Политология" фанини илмий назарий асослари ва коидалари Президент И. А. Каримовнинг бир канча асарлари ва маърузаларида уз ифодасини топди. Жумладан, "Узбекистон келажаги буюк давлат", "Узбекистоннинг уз истиклол ва таракиёт йули", "Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари, тараккиёт кафолатлари", "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард максадимиз", каби асарларда сиёсий жамиятлар, сиёсат маданият каби масалаларга катта этибор берилган.

"Политология"нинг якин йилларгача таркибий кисми хисобланган, кейинги йилларда мустакил макомга эга булиб бораётган булим хамда амалий кулланма сифатида кенг таркалаётган кисмини кароматшунослик (футурология) ёки кароматгуйлик номи билан атамокдалар.

Кароматшунослик потинча "огутуртум" сузидан олинган булиб келажак хакидаги билимларни илмий тахминлари башорат килишни узида мужасамлаштирган.

Кароматшуносликнинг асосий предмети гоҳ келажак хакидаги фан, гоҳ келажак тарихи, гоҳ эса келажакни тадқик килиш, атамалари билан белгилаш одат тусига кирган. Хозирги кунда асосан келажак муамолари илмий тадқик килиш максадлари замонавий кароматшуносликнинг асосий мохиятини ва мазмунини ташкил этади.

Жамият хаётида руй берадиган хар бир узгариш маълум бир тарихий шароитнинг маҳсули хисобланади. Бу тарихий узгаришлар "Политология" нинг фан сифатида вужудга келишида муҳим ахамиятга эга булган.

"Политология" фанининг вужудга келиши ва ривожланишидаги дастлабки тарихий шароит бу давлатнинг пайдо булишидир. Давлат пайдо булиши билан жамиятнинг сиёсий хаёти сиёсий муносабатларни йулга куйиш ва уларни тартибга солиш жараёнида жамиятнинг сиёсий бошкарувчисига айланиб борди.

Давлатнинг вужудга келиши каби сиёсий партиялар ва ташкилотларнинг вужудга келиши хам жамиятнинг сиёсий хаётида руй

берган мухим сиёсий узгаришлардан бири булган эди. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши билан сиёсий муносабатлар янада такомиллашган ва уларнинг жамият хаётида таъсири кучайиб борган.

Сиёсий харакатларнинг шаклланиши ва уларнинг жамият хаётидаги роли хамда ахамияти масаласини урганиш хам "Политология"нинг фан сифатида вужудга келишида мухим тарихий шароит булган. Жамиятнинг сиёсий хаётида руй берган мухим узгаришлардан бири халкаро ташкилотларнинг вужудга келганлигидир. Хозирги кунда дунёда бундай ташкилотларнинг умумий сони юздан ошиб кетди.

Хулоса килиб айтиш мумкинки бу фан хам бошка сиёсий фанлар каби жамият хаётида руй берган узгаришларни урганиш натижасида вужудга келган ва ривожланган. Масалан, биз узбек давлатчилиги мохият ва имкониятлари хакида канчалик сузламайлик, агар унинг амалий ифодасининг гувохи (бугунги кун нуктаи назаридан эса курувчиси) булмас эканмиз гап гаплигича колаверади. Шу манода А. Темур даври давлатчилигимизнинг мохияти ва имкониятлари куламини амалда юзага чикариб берганлиги билан хам гоятда мухимдир (албатта уз даври шароитида).

Узбек давлатчилигининг А. Темур даврига кадар шаклланиб замонлар синовидан утган асослари куйидагилар.

1. Давлат уз вазифасини бажармоги учун, энг аввало сиёсий жихатдан мустакил булиши керак.
2. Давлат ва жамият сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги керак.
3. Фан-маданият рвнаки тугрисида доимий кайгуриш давлат ахамиятига молик катъий сиёсат сифатида каралмоги лозимдир.<sup>1</sup>

Дастлабки сиёсий карашларнинг пайдо булиши эрамиздан аввалги III минг йилликни охири ва II минг йилликнинг бошларига тугри келади. Бу даврда кадимги Миср, Месопатамия, Хиндистон ва Хитойда дастлабки кулдорлак давлатлари пайдо булган. Уша пайтларда бу давлатларда олиб борилган сиёсатнинг айрим масалалари «Хамураппи конунлари», "Ману конунлари", "Махобхорат"сингари асарларда баён калинган.

Сиёсий карашларнинг шаклланиши ва карор топишида узига хос анъаналар мавжуд булиб, сиёсий карашлар турли хил талкин этилган. Уларни сиёсатшунослар умумий тарзда уч гурухга булишади. Диний карашлар, Юридик карашлар, Сиёсий-фалсафий карашлар.

**Диний карашлар.** Кадимги халклар деб хисобланган мисрликлар, хитойликлар, хиндлар, бобилликлар, яхудийлар, форслар, греклар ва римликларнинг карашларида ер юзидаги тартиб ва тартиботларни илохий куч билан боялган тушиниш, Аллохни унинг биринчи сабаби деб хисоблаш анъанаси шаклида диний караш мавжуд булган. Масалан, кадимги хитойда император ер юзидаги тартибларни илохий тартиблар билан

<sup>1</sup> А. Зиё. Ызбек давлатчилиги тарихи. «Шар=», Тошкент, 2000. 171-172 бет.

боглаб турувчи ягона шахс деб каралган. Давлат хокимиятининг турли бугинларида ишлаётган бошка шахслар император хокимияти тартиботларини амалга оширувчилариdir. Хитой императори айни пайтда осмоннинг «угли»гина эмас, уз халкининг «отаси»хам хисобланган. Унинг хокимияти ота-онанинг оиласа болаларга мавжуд булган хокимиятига ухшашибдиr, деб ёндошилган (Конфуций).

Кадимги Мисрда эса Оллох хукмдор хокимиятининг илк манбаи сифатида каралган. Бу узига хоспирамидаги киёс килинган, унинг учи худо ва унинг сайлаб куйган фиравнлари, асоси эса оддий халк деб каралган. Улар уртасида рухонийлар ва зодогонлар турган.

Кадимги хиндистонда хам жамият ва давлатнинг келиб чикиши илохий, мавжуд тартиб коидалар хам шу асосда урнатилган деган гоялар мавжуд булган. Ригведалар асосида конунларнинг илохилигига ва инсонлар уртасидаги муносабатлар уруг кастачиликка асосланган гояга таянган.

Сиёсий фикр тарихида диний анъаналарнинг энг классик куриниши Августин (Шимолий Африка, 354-430 й)нинг сиёсий карашларида уз ифодасини топган. У Черков давлатдан устун турари деган фикрда булган. «Черковга буйсунмаган давлат касоскорлар тудасидан фарқ килмайди», деган гоя илгари сурилган. Инсонларни эса «илохий одам», «ердаги одам»га булади.

Араб халифалиги хам диний ва нунёвий асосларда бошқарилди.

Ф. Аквинский (1225-1274 й)нинг сиёсий карашлари урта асрда диний ананалардаги сиёсий карашларнинг энг чуккиси деб хисобланади. У хаётлик давридаёк Рим католик черковининг «доктори» унвонига эга булди. Унинг карашлари XIX асрда Рим папаси Лев XIII томонидан «котолицизмнинг ягона хакикий фалсафаси», деб эълон килинган. Нинг карашларига кура хокимият уз мохиятига кура илохийликнинг урнатилишидир.

Давлатни бошқаришда конституцияий асосга утилгандан кейингина дин ва давлат муносабатининг хукукий асослари аник курсатила бошланди. Дин давлатдан, мактаб черковдан ажратилди.

**Юридик караш.** Сиёсий таълимотларда давлат ва хукукка инсон манфаати нуктаи назаридан ёндашиб юридик анъана сифатида кадимги дунёда мавжуд булган. Бу Конфуций сиёсий карашларида, буддизм, оташпарастликда уз ифодасини топган.

Кадимги Римда юридик анъананинг шаклланишида Цицироннинг (мил.ав. 106-43й) сиёсий карашлари алоҳида уринга эга. У «Конунлар тугрисида» асарида давлат шакллари тугрисида, унинг монархия, аристократия ва демократия куринишларининг яхши томонларини узида ифодалаган аралаш идора этиш усули тугрисида суз юритади.

**Сиёсий-фалсафий караш.** Сиёсий карашларда сиёсий социологик ёндашув антик даврга бориб такалади. Масалан, кадимги Грецияда сиёсий гоялар ижтимоий-сиёсий институт сифатида полис, шахар давлат ва

шахар-жамият тарзидаги карашларда уз ифодасини топган. Сиёсий – фалсафий анъана тугрисида фикр юритганда Демокрит (мил ав. 460-370й), Афлотун ( Платон ) ( 427-347 ), Арасту (Аристотель) ( 384-322 )нинг сиёсий карашларини хисобга олиш мухим. Афлотун давлат ривожини шаклланиши уч турга булади: тимократия, олигаргия, демократия турларига булди. Давлатни бошкариш хам уч турга булди. Монархия, демократия олигархияга. Давлатни тугри бошкариш бу давлатнинг манархия бошкаруви дейди. Иккинчи турига олигархия, зурлик, демократия шаклларини киритади ва давлат бошкарувининг номаъкул шакллари сифатида таърифлайди.

Аристотелнинг «сиёсат», «Этика», ва «Риторика» каби асарларида унинг сиёсий карашлари берилган. У индивидларнинг сиёсий хаёти полисда мужассамлашади, унда инсон сиёсий мавжудот сифатида намоён булади дейди. У яна инсон адолат ва адолатсизликнинг фаркини англай олган мавжудоддир дейди. Давлат шаклини тугри ва нотугри шаклларга булади. Тугри шаклига монархия, аристократия, политанияни, нотугри шаклига эса тирания, олигархия ва демократияни киритади ва уларнинг бир-биридан фаркини курсатади. Давлатнинг шакли уз максади ва ижтимоий катламлар манфаатини ифода этишга караб белгиланади. 2. Марказий Осиёда сиёсий карашларнинг ривожига Фаробий, Ибн Сино, Беруний, А. Темур, Улугбек, Навоий, Бобур, Фуркат, А.Дониш, Бердак, Саттархон, Бехбудий каби етук мутафаккирлар ва давлат арбоблари жуда катта хисса күшганлар. Фаробийнинг жамоалар хакидаги таълимоти, Навоийнинг адолатли шох тугрисида карашлари ва энг мухими А. Темурнинг давлатни идора этиш коидалари баён этилган " Темур тузуклари" асари ижтимоий -сиёсий масалаларни хал этишда катта ахамиятга эга фикрлар сифатида карапади. Беруний узининг купгина илмий асарларида сиёсий масалалар хакида тухталади. "Ок кийимликлар ва каратмийлар хабарлари хакида китоб"ида эса Урта Осиёнинг уша даврдаги энг илгор ижтимоий сиёсий харакатларидан каратмийлар хакида жуда илик гапиради ва уларнинг мавжуд сиёсий тузумни такомиллаштириш учун олиб борган курашларини хайрихохлик руҳида юксак баҳолайди.

Ибн Сино таълимоти агар давлат бошлигининг узи адолатсизликка йул кўйса, халкнинг унга карши кузголон кутариб чикиши хукукий булади ва бу жамият томонидан катъий куллаб-куватланмоги лозим дейди аллома. Узбек халкининг доно даҳо шоири ва мутафаккири, буюк олим ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг сиёсий таълимотлар тарихига күшган хиссаси бекиёсдир. Инсонпарварлик ва таракийпарварлик гоялари учун Хиротдан Абу-Саид Мирзо томонидан кувилган. Навоий 1469 йилда Хуросон таҳтини ёшлиқдаги дуси Хусайн Байкоро эгаллагач, Самаркандан Хиротга кайтиб, жуда масъул хисобланган муҳрдорлик давлат лавозимини эгаллади. Давлат хокимиятини мустахкамлаш, мамлакат бирлигини таркоклик балосидан саклаш, ортиқча соликларга

катъй карши курашган, мамлакатнинг ободончилик ишларига бош кушиш каби катта масалаларни амалга оширишда бошчилик килди.

3.Бу даврда давлат, жамият ва шахс тугрисидаги карашлар тизимида индивид-фукарога алохida эътибор берилади. Шунинг учун бу даврдаги сиёсий карашлар «фукаролик тугрисида карашлар» деб хам аталади. Сиёсий соҳада уйгониш даврининг узига хос жихатидан бири шундаки, инсон унинг марказига куйилади. Бу давр вакилларидан булган Макиавелли узининг «Государ» асарида сиёсий каршларини келтириб утади. У «максад воситани оклади», деган фикрни илгари суради. Макиавелининг фикрича ягона максад борки, бу максад ноахлокий воситани, яъни давлатнинг яратилиши ва уни саклаб колишни оклади, деб курсатади. Натижада, унинг таъсирида айрим сиёсий кучлар уз фаолиятларида унга таяндилар. Макиавелли жамиятни идора этиш тугрисида аник бир шаклни илгари сурмайди. У «якка хокимиятни» хам, «республика» бошкарув шаклини хам маъкуллайди.

XVII асрда Европа мамлакатларида голландиялик олим Гроций жамоага бирлишиб яшаш кераклигини айтади. Бир-бирини хурмат, иззат, адолатли булишга чакиради, Мамлакатлар уртасидаги Иттифок булишини хукумронликка мутлок йул куймасликка чакиради. ( 1583-1645 ). Спиноза Бенединт (1632-1677) уз карашлари билан Гроцкийга якин туради. Асиоий сиёсий карашларининг мазмуни у хам булса, ахлок хакидаги таълимотидир ва "эркин инсон" гояси хам катта ахамият касб этади.

Томас Гоббс (1588-1679) материалист файласуфлар орасида шухрат козонган. Томас Гоббс урушга карши булиб давлатни худо эмас балки унинг бандалари томонидан бошкариши керак дейди. Сиёсий тафаккурнинг шаклланиши тарихида Гегель (1770-1831йиллар) ва унинг шогирдлари, издошлари, тарафдорлари сиёсий гоялари жуда, катта ахамият касб этади. Гегель ишлаб чиккан "Хукук фалсафаси". "Объектив рух" таълимотлари катта ахамиятга эга. Бордан йук булмайди, йукдан бор булмайди. Деган назарияни илгари суради.

Ахмад Дониш - уз юртининг узбек ва тожик халкларининг сиёсий мутафаккири., ёзувчиси ва олий ( 1827-1897 йиллар) алохida хурматга сазовар булди. "Нодир воеалар" , "Бухоро амирларининг таржимаи холи" каби асарларида жуда чиройли равон тилда ёзилган. А. Дониш уз юртининг узга юртлардан айникса /арб мамлакатларидан ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий жихатларидан ута колоклигини англаб, Бухородаги мавжуд сиёсий тузумни узгартириш зарурлигини айтади. Бу соҳада амирга бир катор иктиносий-сиёсий ва маънавий соҳаларда туб ислохотлар утказишини таклиф килади. Агар амир бунга ахамият бермаса халк катъий кураш олиб бормоги керак деган хulosага келади. Адолат кенгаши хакида гапиради.

Туркман халкининг атокли шоири Махтумкули бой феодалларга карши курашади. Аваз Утар угли адолатсиз сиёсий тузумга карши уз шеърлари билан курашга олиб боради. XX асрнинг 20-йилларида

Америкалик сиёсатшунос Толкотт Парсонс (1902-1979) инсонни сиёсий муносабатларига кириши, биринчи тил ва бошка кадриятлар оркали, конун коидаларга риоя килган холда шахсларни хурмат килиш масалаларига багишлади. Шундай сиёсий карашлар фаол давомчиси Сеймур Линсет (1922 й.) жамоатчиликни фикрини маъкуллаб уларнинг кандай ижтимоий манфаатдорлик иши билан шугулланишларини айтади. Махатма Ганди Хиндистон халклари миллий-озодлик харакатининг сиёсий тузум мафкурачиси булиб ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий карашлар системасини яратди. Унинг таълимоти:

- 1) мустамлакачилик маъмурияти билан асло хамкорлик килмаслик.
- 2) Мустамлакачилар урнатган тартиб коидаларга асло буйин синмаслик масаласини кутариб чикиб кишини киши томонидан камситилишини жуда хам коралайди.

Жадидчиликда маърифатпарварлик сиёсий карашлар истиклол гояси : Абдулло Авлоний (1875-19340, Абдулло Кодирий (1894-1938), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Махмуд хужа Бехбудий (!875-1919), Мунавар Кори (1878-1931), Мусо Сайдмонов (1893-1937), Файзулло Хужаев (1896-1937) Мустабид тузум даврида уларнинг сиёсий карашлари ягона мафкуравий сиёсатга карши булиб, хукумронлик, кишини-киши томонидан хурлаш миллатчилик, шовинистик харакатга карши кураш олиб бордилар.

Мустакиллик йилларида эса президентимиз, давлатимиз асосчиси И. А. Каримовнинг қатор асарлари ҳакида фикр юритар эканмиз асарларнинг ҳар бирида мамлакатни ички сиёсати ва ташқи сиёсати билан бир қаторда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қыллаб қувватлаш масалалари ыз аксини топган. Мамлакат аҳолисининг миллий бирлик, тинчлик, осойишталик, маданият, маърифат масалаларига асарларида катта аҳамият берилган.

## **2-Мавзу: Сиёсий жараён ва сиёсий тизим. Демократия.**

1. Сиёсий жараён тушунчаси ва унинг турлари.
2. Сиёсий тизим тушунчаси, мохияти ва вазифалари.
3. Демократия тушунчаси ва мазмани. Унинг замонавий модалари.

Сиёсий жараёнлар турли сиёсий институтлар, ижтимоий гурухлар, ташкилотлар, индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади ва сиёсий фаолиятнинг мураккаб, кўп субъектли ва кўп киррали эканлигини кўрсатади.

Сиёсий жараён – сиёсий тизим фаолиятининг шаклидир. У сиёсий тизимнинг шаклланиш, амал килиш, янгиланиш холатларини, унинг барча таркибий кисмлари алокалари, ўзаро таъсирини жараён сифатида ўрганиш аник ва яхлит тасаввур килиш имконини беради.

Аммо шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, «сиёсий жараён» тушунчаси политологияга оид адабиётларда турлича талкин этилади. Бир ўринда у «сиёсат» категорияси билан бир маънода кўлланса, баъзи муаллифлар ундан сиёсий хаётни ифода этувчи тушунча сифатида фойдаланадилар.

Сиёсий жараёнларни жамиятнинг бошка соҳаларида кечеётган ўзгаришлар билан алокадорликда кузатиш муайян давлатчиликнинг вужудга келиш ва шаклланиш, унинг жамиятга таъсирини ўрганиш имконини беради. Сиёсий жараёнларни уларнинг ички мохияти нуктаи назаридан ўрганиш – хокимиятни амалга ошириш усулларини кузатиш, тахлил килиш мумкин.

Сиёсий жараёнлар куйидаги йўналишларда амал килади.

- 1) Сиёсий тизим таркибини шакллантириш. Бунда сиёсий тизимга мос ташкилотлар тузилади ва улар ўртасида меъёрий муносабатлар ўрнатилади.
- 2) Сиёсий тизимни кўллаб-куватлаш, унинг баркарор ишлашини таъминлаш.
- 3) Сиёсий карорларни кабул килиш ва ижро этиш.  
Сиёсий жараён хокимиятни фаолиятда, ўзгаришда ўрганади. Шу туфайли Сиёсий жараён мавжудлигининг уч таркиби ажратилади: тургунлик, ривожланиш ва инкиroz тартиблари.
  - 1) Тургунлик тартибида шаклланиб бўлган сиёсий муносабатлар амалдаги меъёрларда тутиб турилади. Бу тартибда сиёсат субъектлари фаолиятида консерватизм ва анъаналарга содиклик етакчи бўлади.
  - 2) Ривожланиш тартибида жамият ичида ва халкаро муносабатлардаги ўзгаришларга мувофик равихда сиёсий тизимнинг бошкарув ва амал килиш услубларини ўзгартириб беради. Сиёсий элита жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, мамлакат ичida ва халкаро майдонда кучлар нисбати ўзгаришини тўғри хис килиб, шунга мос бошкарувнинг максад ва услубларини белгилайди.
  - 3) Инкиrozли тартиб –сиёсий яхлитликнинг йўқолиши, хокимият кабул килаётган карорларнинг бажармаслиги, сиёсий хокимият легитимлигининг йўқотиб боришини англатади.

Политологияда сиёсий жараёнларни туркумлашнинг бир канча усуллари мавжуд. **Маданият турларига кўра** америкалик политолог Л. Пай сиёсий жараёнларнинг гарб ва гарбга мансуб бўлмаган икки моделини яратади. У киёсий

политология доирасида гарбнинг ўзига хослиги ва гарбга мансуб бўлмаган жамиятнинг моделини яратади.

**Сиёсатда устувор услубларга** кўра гарб политологлари Ж.Ричардсон, Г.Густафсон ва Ж.Жордонлар сиёсий жараёнларнинг тўрт турини кўрсатишади. **Ўтиш даврини бошидан кечираётган жамиятларда сиёсий тизим мувозанатини таъминлаш** услубларига кўра уч турга бўлинади: технократик, идеократик ва харизматик.

**Технократик** турдаги сиёсий жараёнда сиёсий ўзгаришларга олиб борувчи омиллардан сиёсий техналогиялар ва тадбирларга мойилли кучли бўлади. Бу турдаги жараёнлар инглиз-саксон мамлакатлари учун хос. Ахолининг кўпчилиги анъаналарга хурмат билан карагани учун бу жамиятларнинг сиёсий тизимлари баркарор, сиёсий институтлари самарадордир.

**Идеократик** турдаги сиёсий жараён анъанавий жамиятлар учун хос. Иктисадий, ижтимоий ва маданий жихатдан хилма-хил жамиятни умуммиллий гоя асосида бирлаштириш мумкин.

**Харизматик** турдаги сиёсий жараён шарқ маданияти учун хос. Унинг доирасида сиёсий етакчи ролига юкори баҳо берилади.

Сиёсий карор – хокимият амал килиши билан бөглиқ вазифалар, боскичлар, воситаларни белгиловчи жараён. Сиёсий карорлар кабул килишнинг уч боскичини кўрсатиш мумкин. ё) тайёргарлик боскичи; 2) карорларни кабул килиш боскичи; 3) кабул килинган карорларни амалга ошириш боскичи. Карорларни тайёрлаш ва кабул килишнинг турли боскичларида ижтимоий субъектлар турлича иштирок этадилар. Масалан биринчи боскичда ахолининг барча катламлари иштирок эта олса, иккинчи боскичда давлатнинг ваколатли органлари, партия ва жамоат ташкилотлари етакчи ўринни эгаллайди. Сиёсий карорларни кабул килишнинг бир неча усуллри мавжуд. ё) компромисс – ўзаро ёнбосишлиар натижасида эришилган битим. 2) консенсус(келишув) - карор овоз бериш йўли билан эмас, келишув оркали кабул килинади. Келишув барча томонларкарорга кўшилмасаларда, умумманфаатлардан келиб чикиб, унга карши чикмасликларини билдиради. 3) устунлик - сиёсатда бирор сиёсий куч ёки давлатларга нисбатан устувор мавкени эгаллаши. Бунда томонлар субъект карорларини ўз манфаатларига мос деб эътиroz билдиради. Учинчи боскичда хокимият килинган карорларни хаётга татбик этади.

Сиёсий иштирок тушунчаси ижтимоий сиёсий жамоа аъзоларининг ички сиёсий муносабатлар ва хокимият таркиби жалб этилганлигини билдиради. Сиёсий иштирок субъектларига индивидлар, ижтимоий гурухлар, катламлар сиёсий ва жамоатчилик институтлари киради. Кўлами жихатидан сиёсий иштирок –махаллий, - минтакавий, -умумдавлат, -халкаро сиёсат даражасида амалга оширилади. Сиёсий иштирок шакллари хам турлича: Уларга

-ахборот кабул килиш ва узатиш;

-сиёсат ва давлат арбоблари хамда ташкилотчилари билан мулокат;

-сайлов ва бошка сиёсий компанияларда иштирок;

-намойишларда, сиёсий иш ташлашларда, оммавий норозилк характеристларида, озодлик урушларида;

-бошкарув ва ўз-ўзини бошкарувда;

-конунлар яратиш, уларни химоя килиш ва улрга амал килишда;  
-сиёсий партиялар ва ижтимоий сиёсий харатлар фаолиятидаги иштирок киради.

Сиёсий иштирок қуйидаги вазифаларни бажаради;

-турли манфаатлар, талаблар, орзу-умидларни ифодалаш, мувофикалаштириш, амалга ошириш;

-сиёсатчилар ва бошкарув аппарати ходимларни танлаш, уларнинг фаолиятини мувофикалаштириш;

-бошхарувга оид карорлар ва сиёсат йўналишини белгилашга ахолини жалб эйтш;

-сиёсий ижтимоийлашув;

-ихтилофларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

-бюрократия билан курашиш, фукароларнинг сиёсат ва бошкарувдан бегоналашувига йўл кўймаслик.

Сиёсий иштирок кўринишлари, усуллари, даражалар ва шаклларини аввало жамият сиёсий тизимининг хусусиятлари, сиёсий маданияти ўзгарувчан ички ва халкар омиллар белгилайди. Сиёсий иштирок учун энг кулай шароитни демократик ва хукукий давлатлар яратади. Сиёсатда иштирок бир канча даражаларида амалга оширилади.

1. Шахс ва гурухлар даражасида – микросиёсат хосил бўлади. Бу ерда фаолият урф-одат, анъана, муомила тартиби билан белгиланади. Кундалик икир-чикирлари доирасида шахс ва гурухлар манфаатларининг тўкнашуви ва келишуви жараёни ана шундай кечади. Мамлакатлар, минтакалар, жаҳон даражасида – макро сиёсат амалга ошади. Бу жараёнда маҳсус тайёрланган шахслар муайян роллар, кўникмалар ва вазифаларни амалга оширади.

Сиёсатни амалга ошириш учун унинг барча даражаларида зарур нарсалар қуйидагилар;

1. Шахслар-сиёсий фаолият субъектлари.
2. Механизмлар- анъаналар, урф-одатлар, коидалар, конунлар, сиёсий фаолият субъектларига таъсир этиш услублари.
3. Институтлар- сиёсий фаолият субъектларининг сиёсий фаолият механизмлари билан алокадорликда амалга оширувчи тадбирларни кўллаб -куватловчи, текширувчи ва назорат килувчи ташкилотлар ташкил этади.

Ўзбекистонда фукаролик жамиятини куриш вазифалари сиёсат ва сиёсий муносабатлар, иктисадий, ижтимоий, шахсий миллий ва маънавий муносабатлар билан узвий бўглик. Ўзбекистонда сиёсий жараёнлар иштирокчилари хилма-хил институтлар ташкил киласди. Сиёсий жаранлар асосан хокимиятчилик ва жамият ўртасидаги мулокот асосига курилган. Жамият ўз талабларини хокимиятга вакиллик органлари, манфаат гурухлари томонидан етказади.

Сиёсий тизим у ёки бу жамият сиёсий тизимининг сиёсий ижтимоий, хукукий, мафкуравий анъаналарига ва ахлок нормаларига бўйинсинишига сиёсий муассаларга, сиёсий хаёт, сиёсий жараёнлар у ёки бу жамият сиёсий

ташкил этилиши уюштирилишининг ақидалари мужассамланган яхлит ва тартибга солинган мажмуудир.

Сиёсий тизим жамиятда хокимият ва бошқарувни шакллантириш ва амалда рўёбга чиқариш билан бөглик муносабатлар, харакатлар йигиндисидан иборатdir.

Сиёсий тизимнинг жамиятнинг бошка тизимлардан қандай фарки бор?

Биринчидан-бу фарк унинг доирасида кабул килинган карорларнинг бутун жамият учун мажбурийлигини англаади. М: 1991 йил мустакилликнинг учунчи ойида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тугрисида", конун кабул килинди, ундан кейин икки ой ўтар-ўтмас, 1992 йил январда жисмоний тарбия ва спорт тўгрисида, 1992 йил июнида маориф ва ўкув-ўқитув масалалари бўича конунлар кабул килинди.

Иккинчидан-унинг ижтимоий мухим ва аввало жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузилмаси билан бөгланиб келганлиги истикболга мулжалланган ижтимоий сиёсатнинг асосий мазмуни меҳнаткашларнинг меҳнат килиш ва хаёт кечириш шарт-шароитларни хар томонлама, муттасил тарзда, изчил ва оғишмай яхшилаб бориш, ижтимоий хаётнинг барча жабхаларида ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат ақидаларини янада тўларок рўёбга чиқариш, барча ижтимоий синфлар табакалар, гурухлар ўртасидаги мухим фаркларни тезрок бартараф килиб, синфсиз жамият куришга эришиш, бунинг учун шахар билан кишлок, аклий меҳнат билан жисмоний меҳнат, ўрталаридағи тафовудларни бартараф этиш, миллатлар ва элатлар ўртасидаги мавжуд карама-каршаликларни ечиб ўтиб, миллий муносабатларни юксак даражада уйгунлаштириш ва такомиллаштириш каби улкан ижтимоий тадбир-чораларни амалга оширишдан иборат бўлиши лозим.

Сиёсий тизимнинг учунчи хусусияти-унинг мустакиллиги билан белгиланади.

Сиёсий тизим

жамиятнинг максад ва вазифаларини аниклаш, мавжуд имкониятларни амалга оширишга сафарбар килувчи механизmdir. Демак, сиёсий тизим сиёсий хокимиётни шакллантирувчи ва амалга оширувчи воситалари бўлган давлат ташкилотлари ва муносабатларининг йигиндисидир. Унинг мохияти куйдаги вазифаларда ўз ифодасини топади. Сиёсий тизим ўзида жамиятнинг иктисодий, ижтимоий, этник ва миллий тузилмаларини, демографик жараёнлари ахолининг маълумот даражаси, ижтимоий онг холатини, маънавий-рухий ва маърифий-мафкуравий хаётни халкаро ахволни акс эттиради. Хозирги кунда бозор муносабатларига боскичма-боскич ўтишда турли манфаатлар мувозанатини тўгри аниклаб олиш вазифаси бўлиши керак. Сиёсий тизим ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб улар биринчидан, сиёсий тизим доирасида кабул килинадиган карорларнинг бутун жамият ва унинг кичик тизимлари учун мажбурийлигида, иккинчидан унинг жамиятнинг ижтимоий-иктисодий структураси билан чамбарчас бөгланганлигида, учинчидан унинг нисбий мустакиллигида яъни, унда таркибий тузилишлар, роллар функцияларнинг маҳсус курилмаси мавжудлигида намоён бўлади. Сиёсий тизимда икки асосий: хукукий ва социологик томон ажралиб туради. Хукукий томон сиёсий

тизимни амалдаги ижтимоий муассасалар ва ташкилотлар йигиндиси сифатида тушунишдан келиб чикади.

Социологик жихат эса сиёсий тизимни ўзгарувчан курулма ижтимоий мухит ва ижтимоий тизимнинг ўзи берадиган ўзгарувчан ички турткilar, сиёсий хатти-харакатни ва бошка харакатларни шакллантирувчи сиёсий ечимлар сифатида караб чикади. Жамият сиёсий тизими-бу давлатни бошкариш дастаги бўлиб у оркали маълум бир синф, ижтимоий гурӯх, катлам, миллатнинг манфаатларини рўёбга чикириш максадида сиёсий хокимият амалга оширилади.

## 2. Давлат

жамиятнинг сиёсий системасида марказий ўринни эгаллайди. Давлат тузилиши жихатдан нихоят даражада мураккаб бирликни ташкил этган давлат муассаси сифатида хам кўп томонли ва кўп киррали алокаларга киришиши табиий бўлгани туфайли унинг таърифи хам бир мазмунли бўлиши мумкин эмас. Давлат ўзиниг мукаммал макомига эга бўлиб, унинг асосий белгилариға куйдагилар киради. ё- маълум худудга. 2-Ўз ахолисига. 3- Маълум ташкилотларга эга бўлади. У ихтиёрий, мажбурий, ижтимоий-сиёсий ташкилот хисобланади. У ишонтириш, мажбур килиш, умумманфаатларни амалга оширишда турли вазиятлар (манипуляция)ни кўллаш ва солик йигиш кабиларда танҳо хукукга эга. Давлатнинг яна бир муҳим белгиси - унинг суверен бўлишлигидир. Бу тўғрида Президент И.А.Каримов жуда доно таълимот беради:"Ўтиш даврида давлат жиловини кўлдан бермаслиги керак. Шундагина у давлат бўлаолади. Жилов кўлдан кетган жойларда ахвол кандай аянчли эканлигини кўриб турибмиз". ё

Ўша пайтларда

айрим мамлакатларда (айникса Россияда) бошкарув жилови давлат кўлидан кетганини хамма билади. Давлат ва хокимият ички мафкуравий курашлар, мансаб ва амал учун олишувлар ва бошка турли сиёсий жанглар билан банд бўлиб колишган эди. Ўзбекистонда хам дастлаб шунга ўхшаш айрим воқеалар рўй берганини биламиз. Бирок давлат ўз пайтида унга барҳам берди.Шундай бўлиши хам зарур эди. Шу давр шароити шуни таказо этар эди.

Давлат бошкариш одобини жамиятнинг сиёсий тизимини ушлаб туриш йўл йўрикларини тахлил килиб кўрсак,хорозмшохлар, гозновийлар, темурийларнинг бу борадаги тузуклари ибратлидир.Умуман Ўзбек халки давлатни идора килиш усууларни жуда яхши билишган ва бошка мамлакатларга хам ибратли бўлишган. Шунинг учун бизнинг халкимиз салтанатни саклаб колиш ва уни идора килиш тажрибасига эгадирлар. Давлатнинг сиёсий тизимдаги ўрни,жамият хаётида бажарадиган куйдаги функциялар алоҳида ахамият касб этади. Булар: ички, ташки ва халкаро функциялардир. Давлатнинг ички функциясини ўз худудида яшайдиган халк билан давлат ташкилоти ўртасидаги муносабатларни амалга ошириш ташкил килади. Улар хўжалик , ташкилотчилик маданий ва тарбия соҳаларидан иборат. Бу борада жамият аъзоларининг ахлокий ва ўз бурчларини ўз вактида адо этиш вазифасини яхши англашлари лозим.

Хозирги кунда

Ўзбекистон давлати ўз миллий манфаатларини химоя килишда Президент И.А.Каримов раҳбарлигига катъий ва изчил йўлни танлади. Истиклол

шарофати билан жамиятнинг сиёсий тизимида ммаънавий мафкуравий иклим тубдан ўзгарди. Ўзбекистон сиёсий тизимининг истиклол аввало замонга мослашган ва унга мос ва хос миллий истиклол мафкураси жамият фукаросининг эътиқодига айланиб колиши ва уни хеч кандай куч енгаолмайдиган даражага кўтаришни талаб килади. Бизнинг миллий мафкурамиз хам "миллий давлатчилик тизимимиз", "юртимиз рухи," "ўзига хос, ўзига мос турмуш тарзи ", "умуммиллийлик", "фидойилик", "ватанпарварлик" каби гоя ва тушунчаларга асосланиб иш олиб бормокдамиз.

Давлат ташки функциясида бошка далатлар билан турли соҳаларга муносабатларини амалга оширади. Бугунги кунда жаҳон сиёсатини шакллантириш, умумбашарий муаммоларни хал килишда халкаро ташкилотларнинг роли тобора ошиб боргандиги сабабли давлатнинг яна бир функцияси мустакил йўл билан шаклланади. У халкаро функция бўлиб ўз ичига давлатнинг халкаро ва минтакавий ташкилотлар фаолиятларида иштирок килиш хамда ўз манфаатларидан келиб чиккан холда халкаро ва минтакавий муаммоларни хал килишда фаолдик кўрсатишни ташкил килади.

Давлат ўзининг куйдаги тузилмасига эга . 1. конун чиқарувчи.2 Ижро. 3. Суд хокимияти. Хозтрги мустакиллик шароитида улар алоҳида иш юргизадилар.

Давлат ва инсон

ўртасидаги муносабатларда фукароларнинг сиёсий хукуклари мухим ахамиятга эга. Чунки фукароларнинг сиёсий хукукларида давлат хокимиятини ривожлантириш хукукий демократик давлатни барпо этиш, фукароларнинг жамият ва давалт ишларини бошкаришдаги фаол иштирокини таъминлаш каби умумий масалалар билан бевосита бөглиқ.

Фукароларнинг сиёсий хукуклари референдумларда уларнинг бевосита иштирок этиш йўли билан хам амалга оширилади. Ўзбекистон Конституциясининг 9- моддасида белгилаб кўйилганки, жамият ва давлат хаётининг энг мухим моддалар халк мухокамасига тақдим этилди, умумий овозга (референдумга) кўйилди масалан, Республикализнинг Мустакиллик Конституцияси лойихаси ё992 йилда икки марта умум халк мухокамасига кўйилди. Худди шундай тартибда Олий Мажлим тўгрисидаги Конун лойихаси, меҳнат кодекси ва бошка катор хукукий хужжатлар лойихалари халкимиз эътиборига мухокама килиш учун берилди. Бу биринчидан мухокама жараёнида мутахасислар ва халк томонидан тушадиган таклифлар, мулохазалар хужжатлар лойихаларини такомиллаштириш имконини беради. Иккинчидан халкни хукукий онги, уларни хохиш иродасини янада аникрок ифодалашга ёрдам беради.

Жамиятнинг сиёсий тизимида давлатдан кейин сиёсий партиялар ва жамоа ташкилотлари хам ахамиятга эга. Сиёсий партиялар турли ижтимоий катлам ва гурухларнинг манфаатлари максадларини ифода этиб, сиёсий хокимиятни амалга оширишда иштирок килади.

Сиёсий партиялар тизими : а) Бир

партиявийлик; б) икки партиявийлик , в) кўп партиявийлик асосида амалга ошади. Хозирги замон палитологлари кўп партиявийлик тизимларини афзал кўриб, уларни демократик ривожланиш талабига мос эканлигини химоя килиб

чикмокдалар. Шунинг учун якка партиявилик тизимидан кўп партиявиликка ўтишни демократия ривожланиши томон олга ташланган кадам деб карамокдалар. Жамиятнинг демократик характери мавжуд демократик институтларнинг тутган ўрни билан бөгликлиги уни демократик жараён сифатида карашига асоса беради. Аммо жамиятнинг демократик даражаси факат партиялар сони билан беогиланмайди . Бир партиявилик ва кўп партиявилик тизимларини вужудга келишига бир катор конкрет тарихий омиллар таъсир килади. Жамиятнинг сиёсий тизимида давлат ва сиёсий партиялар билан жамоа ташкилотлари фаолият кўрсатадилар. Жамоа ташкилотларига касаба уюшмалари ёшлар, ижодий , маданий, илмий ва бошқалар киради. Улар ўзларининг моҳияти сиёсий тизимида тутган ўринлари билан давлат ва сиёсий партиялардан фарқ килади. Биринчидан, улар давлат макомига эга эмаслар ва сиёсий хокимият учун кураш олиб бормайдилар: иккинчидан , улар мамлакат ахолисининг барча кисмини ўзига бирлаштирадилар, учунчидан, улар томонидан кабул килинадиган карорлар ва хужжатлар мамлакат ахолиси томонидан мажбурий равишда бажарилиши макомига эга эмас. Тўртинчидан улар сиёсий максадларни эмас, балки маълум гурухларнинг моддий маданий, ижодий ва илмий соҳадаги манфаатларини кондиришни максад килади.

3.

Мустакилликни 11 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халки олдига шундай вазифалар қўйдики халк ўз тажрибасидан келиб чикиб миллий, маънавий ахлокий анъаналарга мос келадиган хакикий демократик ақидаларни камо топтириш.

Сиёсий тизим, биринчидан

жамоатчилик фикрини инобатга олиши, уни амалга ошириш механизмини яратиш лозим. Сиёсатни ёки карорни жамоатчилик фикри билан хисоблашмай мажбуран кабул килинганлиги яхши самара бермайди. М: Тотолитар тузум даврида юкорида яъни марказда кабул килинган карорлар биз учун мажбурий этдик.

-Факат мустакилликни кўлга

киритишимиз туфайли Ўзбекистон: - давлат ва жамият курилишининг сиёсий тизимини мустакил белгилаш, демократик йўл билан сайланган органлар оркали ўз хукумини ўтказди.

- халкаро муносабатларда мустакил субъект сифатида иштирок этиш, нуфузли халкаро ташкилотларга teng хукукли аъзо бўлиб кириш, бошка мамлакатлар билан ўзаро фойдали шартнома ва битимлар тузиш имкониятига эга бўлди.

Миллий давлатчиликнинг тикланиши, демократик хукукий давлатнинг барпо этилиши, мустакил ички сиёсат юритиш бу мустакиллик шарофатидир.

Давлатимизнинг сиёсий маркази, пойтахтнинг мавжудлиги, Олий давлат хокимияти органларининг пойтахтда жойлашганлиги мухимдир.

«Демократия» юонон тилидан олинган булиб «демос»- халк, teng хукукли фукаролар йигини; «кратос»-куч. Хокимият, кудрат, бошкарув маъноларини билдирган. Бир суз билан айтганда демократия – халк хокимияти деган маънони билдиради. АКШ собиқ президенти Авраам Линкольн: демократия – «халк учун халк томонидан амалга ошириладиган халк хокимиятидир», -деган

эди. Демократия сиёсий атама сифатида узининг лугавий маъносидан анча кенг мазмун ва моҳият қасб этади. Шунинг учун хозирги вактда демократия – ҳалкни хокимият манбаи деб эътироф этувчи, фукаролар тенглиги, озчилик ҳукукларини химояловчи, давлатнинг асосий органлари – сайловлар натижасида шакллантирилувчи сиёсий хокимият тизими сифатида тушинилади.

Бугунги кунда инкиrozли холатлардан чикишнинг ягона йули- ижтимоий сиёсий хаётни демократлаштириш деган фикр мавжуд. Инсоният орзулари, интилишлари, кундалик хаёти ана шу гоялар билан сугорилган. Лекин айrim манбаларга караганда, жаҳондаги 200 мамлакатдан атига 40 тасинигина тулаконли демократик деб аташ мумкин. Жаҳондаги бирор мамлакатни демократиянинг ёркин намунали тимсоли сифатида курсатиш кийин.

Жаҳон жамиятшунослиги қашф этган конуниятларга кура, ҳалқ томонидан сайловлар асосида шакллантириладиган хокимиятни икки усуlda амалга оширади:

ё. Бевосита демократия. Бунда ҳалкнинг хеч кандай вакилларсиз, сиёсий хокимият фаолиятида узлари иштирок этиши тушинилади. Бу демократиянинг фукаролар сиёсий хокимият тизими ёки маҳаллий бошқарувга депутатларни сайлашида, узлари сайланишида, конунлар мухокамаси, референдумларда иштирок этишида намоён булади.

2. Билвосита демократия, бу вакиллик демократияси хам дейилади. Бунда фукаролар сиёсий хокимият ва бошқарувда уз вакилларини сайлаб қуиши оркали иштирок этади. Масалан, Олий мажлисга, туман, вилоят ҳалқ депутатлари кенгашига, президентлик лавозимига, маҳалла кумиталарига вакиллар сайлаш билан фукаролар-узларининг конунлар кабул килиш, давлатни, маҳаллани бошқариш ваколатларини узлари сайлаган одамларга беради.

Хозирги замон хорижий мамлакатларнинг сиёсатшунослари, давлат ва жамият арбоблари, ҳукукшунослари фикрларига кура демократик ҳукукий давлатни куриш учун барча давлатларга хос булган умумий хусусиятлар мавжуддир. Улар қуидагилар: 1. Сайловлар. 2. Сайлов яқунларини аниклаш усули. 3. Тенг ҳукуклилик. 4. Фикрлар эркинлиги. 5. Куппартиявилик. 6. Узини узи бошқариш. 7. Купчилик овоз коидаси. 8. Камчилик ҳукуклари. 9. Одил суд юритиш. 10. Ҳалқ хокимияти. 11. Ҳукуматга тобелар розилигига таянган хокимият. 12. Чидамлилик, омилкорлик, ҳамкорлик ва узаро келишув кадриятлари.

Демократиянинг учта асосий модели: либерал, идентитар, плюралистик моделлари ажратиб курсатилади.

Либерал демократия шахсни сиёсий тизимнинг бош элементи сифатида фундаментал, бегоналашмайдиган ҳукуклар билан таъминланади. Бунда либерал демократиянинг ижтимоий сиёсий чекланганлиги, фукароларни ижтимоий химоя кила олмаслиги, тенгиззикнинг ортиши, шахс сиёсий иштирокининг чекланганлиги, давлат «тунги коровул» роли билангина чеклаб куиши унинг муҳим камчиликларидир.

**Идентитар демократия** моделида халк яхлитлиги, бирлигидан келиб чикади. Унда ягона ироданинг у баён этилгунга кадар мавжудлиги ва бу ирода билан ваколатли хокимият фаолиятининг айнанлиги ухшашлигини акс эттиради.

**Плюралистик демократия** модели ижтимоий манфаатлар ва уларни баён этиш шаклларининг, яъни сиёсий партиялар, жамиятлар, ижтимоий харакатлар, фукаролар ташаббуслари хилма-хиллигига асосланилади.

2. Миллий онгда узига хос хусусиятлар мавжудки, улар хар бир халкнинг рухи, менталитети, табиатини белгилайди ва шу халкнинг сиёсий тизимида хам акс этади. Хар бир халк узига хос ва мос булган сиёсий ташкилотларни шакллантиради.

Демократия институтлари хам турли мамлакатларда турли даврларда, турлича куринишларда шаклланган. Масалан, АКШда 1776 йилда либерал демократик институтларга асосланган республика тузуми урнатилган булса, Францияда XIX асрнинг охиридагина шаклланиб булди, Италия ва Германияга келсак иккинчи жаҳон уришидан кейин бу жараён тугади, Португалия ва Испанияда 70-йилларнинг урталариға тугри келади. /арб давлатларида демократия индивиднинг гурухдан устунлиги гоясиға асосланади. Бу ерда индивидуал эркинликлар ва хукуклар масаласи асосий масала. Шарқда эса индивид эркинлиги ва хукукларига таянилсада, у купинча гурух, жамоа манфаати ва хукуклари билан уйгун куйилади. Масалан, Япон модели «шахсни уз-узини чеклаши», уни жамият ва давлат манфаатлари тизимиға уйгун киришини таъминлаш вазифасини куяди. Бу ерда анъана ва замонавийликнинг узига хос уйгунлигига эришилган. Модернизация жараёни ижтимоий-маданий ва сиёсий-маданий соҳалардаги энг муҳим анъаналарни саклаган холда амалга оширилади. Бу ерда монархия, бурч, келишув, жамоага содиклик, шахс манфаатларининг гурух манфаатларига таяниши каби кадриятлар сакланган. Демак Демократияни мутлак индивидуал эркинликка эришиш деб тушинмаслик керак. Худди шунингдек, ислом маданиятига асосланиш демократик тартибларни тусик буляпти дейиш хам нотугри. Демократиянинг урнатилиш борасида Туркия, Миср, марокаш, Малайзия каби давлатларда ижобий мисоллар мавжуд. Исломда фитна бирликни емириши тугрисида ва умма – жамоа ролини курсатиш, янгиланиш хам муҳим уринга эга. Жамиятда халк менталитетида демократия кадриятлари коидалар, шартларни кабул килиш ва кайта ишлаб чикиш учун элементлар мавжуд булиш керак. Япония ва бошка давлатларнинг тажрибасининг курсатишича бу ерда модернизация жараёни авторитар тартиботлари шароитида борган. Бу ердаги иктиносидий ушишни кучли марказлашган давлат таъминлаган. Давлат бозор иктиносидиёти бозор муносабатлари ва кадриятларини карор топтирувчи катализатор вазифасини утаган. Бу ерда бозор ва давлат иштироки уртасида зарурӣ мувозанат, нисбат топилган. Жамоаларда икки демократияга амал килинади, жамоа манфаатларининг устун куйилиши, фукароларнинг конунни хурмат килиши кафолати булиб хизмат килади. Уларнинг узаро консенсусга келишини осонлаштиради. Япония шу маънода ёпик гурухларнинг очик жамияти деб баҳоланади. Яъни, сиёсий макротузилма парламент демократияси,

конституционализм, хукукий давлат, куп партиявилик ва демократиянинг бошқа белгтлари куринишида жамоа колективизм асослари сакланган холда амал килинади. Марказий Осиёда мамлакатни идора этишда кадимдан жамоатчиликнинг эркин фикрига алоҳида эътибор бериб келинган. Халкнинг фикрини билиш, турли ижтимоий гурухлар ва табакалар билан бамаслаҳат иш юритиш, куплаб хукумдорлар, беклар, хокимлар учун конун-коида хисобланган. Давлат ишлари жамоатчилик билан биргаликда муросаю-мадора, мурувват, багрикенглик ва сабр токатлилик билан юритиб келинган.

Шуро даврида ушбу кадриятлар бекор килиниб, давлат бошқарувида маъмурий буйрукбозлик тизимиға утилди. Юкорида айтилган фикрлардан хулоса шуки, демократия барча муаммоларни хал килиб берувчи сирли қалит ёки орзудаги жамият эмас. Унинг тоталитаризм ва авторитаризмдан фарки шуки, у жамиятни ташкил этувчи озод ва эркин фукароларнинг иродаси, манфаатлари, куплиги ва бир-бирига ухшамаслигини ифода этади. Бу хилма-хилликни кадрлаган холда фукароларга келишув, ён босиш, мухокама, мунозара учун конуний йулларни очиб бериш ва купчиликга маъкул тушадиган карорларни кабул килишда шароит яратишдир.

3. Мустамлака ва ярим мустамлакачиликдан озод булган давлатлар бир сиёсий тузумдан 2-сиёсий тузумга утишда уз бошларидан маълум бир оралик даврни босиб утади. Бу политологияда сиёсий утиш даври дейилади. Бу давр эскининг урнида янгининг шаклланиши билан бөглиқ. Бу жараёнда тараккиёт талабларига жавоб бермаётган давлат сиёсий хаётини негизлари билан бөглиқ булган, барча механизmlар тугатилади, унинг урнига янги тараккиёт эхтиёжларига жавоб берадиган механизmlар яратилади. Утиш даврининг зарурлиги ва унинг ута мураккаб муаммоси эски тузум, унинг тартиб коидалари, анъаналар, бошқарув тизими, маънавий мафкуравий асослари ва дунёкараши билан яшаган ахолининг онги ва сиёсий тафаккурини тубдан янги шаклланаётган тузумга урганиши, мослашиши, куниши билн бөглиқ булади. Утиш даври демократик тамойилларга асосланган жамиятни вужудга келтириш учун, зарур булган ислохатларни амалга ошириш учун, заминларни тайёрлаш учун зарур булган оралик мухлат хисобланади. Демократия сиёсий жараёнлар тараккиёти омили булигина колмасдан, инсоннинг уз-узини англаши, сиёсий кадр кимматини таъминлашни хам кафолатлади. Демократик жамиятга утишнинг 3 та йули мавжуд:

ё. Классик йул – у узок тарихий даврда амалга ошади ва мамлакат иктисадий хаётида хусусий мулкчилик етакчи уринни эгаллайди. Бу ахолининг хохиш иродасидан ва моддий ахволининг мураккаб холатга тушишидан катъий назар уларни шаклланаётган тартибга урганиш ва кунишга мажбур килиб боради.

2. Инкилобий йул – бунда сиёсий- ижтимоий муаммоларнинг илдизи хуссий мулкчиликдан деб хисобланади. Сиёсий узгаришига айrim «синф, пролетариат» манфаатидан келиб чикиб ёндашилади. Пролетариат диктатурасини урнатиш гоясини амалга ошириш барча ихтилофларни хал этишнинг йули сифатида баҳоланади. Ижтимоий тенглик асосида демократик, эркинлик тушунчалари мухим кадрият сифатида инсон онгига сингдирилади.

Шу асосдаинкилоб амалга оширилади ва мамлакат сиёсий хокимияти бир тизимдан иккинчисига утади.

3. Боскичма боскич утиш ёки эвалюцион утиш йули. Унинг характерли хусусияти шундаки, сиёсий хокимият қулга утгач, эски механизмлари бирдан йукотиб юборилмаслиги, аста секинлик билан тугатилиб борилишига асосланилади. Уларнинг урнига янгилари вжудга келтирилади. Сиёсий соҳада амалга ошириладиган ана шу тартибларга мос равишда янги сиёсий-ижтимоий, иктиносидий тизим ва маънавий-мафкуравий салоҳият шакллантирилади. Бунда мустакиллик туфайли утиш даври бошланиши янги сиёсий тизимнинг иктиносидий заминлари, ҳалкнинг моддий даражалари, бир томондан, заиф булса, иккинчи томондан. Эски тузумга мослашган булади. Бундан ташкари ҳалкнинг дунёкараши, моддий бойликларини яратишга булган муносабатларида эски тузум асоратлари кучли булади. Ана шу сабабларга кура утишнинг эвалюцион йулида эскилардан хам уддабуронлик билан фойдаланилади ва янгиси вазминлик билан яратилади. Узбекистонда утишнинг эвалюцион йулидан борилмокда. Узбекистон сиёсий мустакиллигини қулга киритишнинг хукукий асосларини Олий Кенгашнинг 2-сессияси ё992 йил 20 июнда кабул килинган «Мустакиллик декларацияси» нинг кабул килиниши бошланади. ё99ё йил 3ё августда эса, Узбекистон мустакиллиги эълон килинди ва мустакиллик тугрисида конун кабул килинди. Шундай килиб, Узбекистонда мустакилликга эришиш билан утиш даври бошланди. Узбекистон учун сиёсий утишнинг муракқаблиги шунда эдики, давлат хокимияти, бошкарув тизими ва бошка институтлар собик марказ томонидан вжудга келтирилган ва тоталитар режим узининг тула хукумронлигини урнатган эди. Уларни бир зарба билан тутатиш ва демократик жамиятга утиш кийин эди. Ахолининг тоталитаризм иллатларидан кутилиши, янги дунёкараш ва тартиботларга кунишиб боришини таъминлашнинг муракқаб вазифалари бор эди. Шунинг учун боскичма-боскич утиш йули белгилаб олинди. Демократик жамиятга утиш йули президент томонидан ишлаб чикилган аник концептуал гоялар асосида амалга оширилмокда. Бозор иктиносидётига асосланган демократик жамиятга утишда 5 та тамойилга асосланган. Узбекистонда демократик жамият ҳалкнинг демократик жамиядда иштирок этишини таъминлаган. Демократик жамият конун устуворлиги ва фукоралик жамияти амалда таъминланиши билан белгиланади. Конунлар бузилган, улар назар-писанд килинмаган хар кандай холларда демократия булмайди. Демократик жамият учун зарур булган бундай имкониятлар утиш даврида яратилади. Барча соҳаларда демократик тамойиллар боскичма-боскич амалга оширилади. Президент И. А. Каримов Узбекистоннинг фукоралик жамиятини куришга интилаётганини таъкидлаб, бу жамиятнинг маъносини характерлаб; «Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошкарувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалга топшириш ва яъни узини-узи бошкариш органларини янада ривожлантириш демакдир», деб курсатади.

Фукоралик жамияти курилиши жараёнида давлат икки хил йул билан, яъни жамият хаётининг конуний асосларини яратиш хамда катъий назорат урнатиш

оркали яратувчилик ишларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиб беради. Фукаролик жамиятида давлат хокимияти ва бошкарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташки сиёsat, пул-молия ва солик тизимини шакллантириш, конунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир.

Давлатнинг урни ва мавкеига янгича карашни амалга жорий этиш билан ижтимоий муносабатларда инсон ва умуминсоний кадриятларга алоҳида ахамият берила бошланади. Сиёсий ислоҳатлар ижтимоий муносабатларда хам демократик тамойилларнинг устуворлигини таъминлайди. Ана шу узгаришларни изчиллик билан амалга ошириш оркали фукаролик жамиятига утила борилади. Фукаролик жамияти инсон ва давлат уртасидаги муносабатларда инсон манфаатларининг устуворлиги тамойилига асосланади. Хар кандай конун харакат соҳасидан катъий назар, ишлаб чикилаётган ва мухокама этилаётган ва амалиётга кулланаётган пайтида инсон манфаатлари, хукукларига канчалик мос тушиш даражасига караб, хукукий давлатга эришиш мумкин. Фукароларнинг конун билан яшаши хаётий заруриятга айланиши ва жамият хаётида фукароларнинг фаол иштироқи тизими вужудга келиши фукаролик жамиятининг асосий мезонларидан бири булади.

Махаллий хокимият ва фукароларнинг узини-узи бошкариш органлари вазифаларини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир кисмини боскичма-боскич утказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмалари хукуки ва мавкеини оширишни кузда тутадиган «Кучли давлатдан-кучли жамият сари» концепциясини амалга оширишга шароит яратилади.

### **3-Мавзу: Сиёсий хокимият. Сиёсий хаёт ва ва кўпартиялик РЕЖА**

1. Сиёсий хокимият тушунчаси. Хокимиятнинг тузилиши, унинг асослари ва имкониятлари.
2. Хокимият ва сиёсий манфаатлар хокимиятни амалга ошириш механизмлари. Ўзбекистонда сиёсий хокимият.
3. Сиёсий партия тушунчаси. Партия тизимлари.
4. Сиёсий партия ва харакатлар. Ўзбекистон Республикаси ва кўпартиявийлик.

#### **Сиёсий хокимият.**

Хокимият сиёсий жараёнлари бошкарувида узига хос ахамият касб этади. Сиёсий хокимият жамият хаётидаги мураккаб сиёсий ходисалардан бири хисобланади. Хокимиятнинг кенг таркалган таърифларидан бири позитив социологик талкинидир. Бу талкинда хокимият бирор индивиднинг муайян ижтимоий шароитда бошка индивидга узининг иродасини утказиш кобилияти сифатида тушинилади. Яъни сиёсий хокимият субъектлари сиёсий хокимият обьектини уз таъсир доирасига олади. Киска килиб айтганда у кузлаган максадга эришишдир. Хар бир аник холатда ва шароитда бу тушунча узига хос маъно ва мазмунга эга булади. "Масалан" оила хокимияти", "Ота-оналар хокимияти", "Ёшлар хокимияти", "Хужалик хокимияти", "Давлат хокимияти", "Суд хокимияти" сузлари турли хил маъноларни англаатади ва турли максадларни амалга оширишда хизмат килади. "Хокимият" тушунчаси унинг сиёсий мохияти нуктаи назаридан куйдагича таърифлаш мумкин. Хокимият бу кишилар ижтимоий гурухлар синфларининг фаолиятига хулк авторига, харакатларига иктисадий-сиёсий, гоявий ижтимоий механизмлар, шунингдек куч ишлатиш, зурлик килиш, ишонтириш, кобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алохида шаклидир.

Хокимиятнинг асосий таркиби кисмларидан бири субъект (актор)дир. Субъект-хокимиятнинг фаол, йуналтирувчи кисмидир. У алохида инсон хамма субъект хам хокимиятнинг субъекти булавермайди. У хокимият субъекти булиши учун катор сифатларга эга булмоги керак. Авваломбор хокимликка хошиш-истак иродали булмоги керак. У билимли кул остидаги ишчилар билан тил топа билиши, кишилар кайфиятини назарга олиши керак. Умуман жамият курувчисининг илгор кишиларидан бири булмоги керак. Субъект билан обьект ажралмасдир. Хокимият обьектини куйидагилар: индивид, социал гурух, синф. жамият ташкил этади. Субъектнинг чикарган карорлари обьект учун конун ва уни уз вактида бажармоги зарур. Хукумронлик килиш зуровонлик, мажбурий масалалар хокимият функциясига кирмайди. Факат фукаролар билан бирга маслаҳатлашган у ёки бу ташкилот ёки идораларда ёки Олий мажлис карорлари асосида иш олиб борилади. Сиёсий хокимиятнинг асосий шакилларидан бири

давлат хокимиятидир. Давлат сиёсий ташкилот булганлиги учун хам унинг фаолияти сиёсий мазмун касб этади. Давлат хокимиятиниг сиёсий мохияти-сиёсий жараён ва сиёсий муносабатларда фаол иштирок этиш билан белгиланади. Давлат хокимияти ихтиёрида армия, милийиия, прократура, суд сингари зурлик аппаратлари тупланган булиб, улар давлатнинг кучи билан узининг хокимиятини амалга оширади. Давлат хокимияти сиёсий хокимиятдан узиниг иш услубига кура фарқ килади. Маслан: давлат хокимиятида мажбур килиш усуслари мавжуд, сиёсий хокимиятда бундай имконият йук. Давлат хокимияти конун чикарувчи ижро этувчи ва суд хокимиятига эга. Хар иккала хокимият хам сиёсий хукумронлик акс этади, хар иккаласининг хам асосини халк ташкил килади. Сиёсий хокимиятнинг асосий шаклларидан бири сиёсий партияларнинг хокимиятидир.

Сиёсий хокимият илохий ёки диний хокимият шаклида хам намоён булади. Хокимиятнинг бу шакли учун бошка шаклларига караганда анча илгари шаклланган. Ибтидоий муносабатлардан кулчилик муносабатларига утиш даврида хокимиятнинг бу шакли пайдо булган. Бу хокимият сиёсий масалалар билан бевосита шугулланмаса хам давлатлар ёки сиёсий партиялар хокимиятлари томонидан амалга оширилаётган сиёсий йулга узининг муносабатларини билдириб туради.

Сиёсий хокимият бу шакли куйдаги турларга булинади: касаба уюшмаларининг хокимияти, фахрийлар хокимияти, махалла хокимияти ва бошкалар. Бу хокимият доираси таъсир кучи давлат хокимияти сингари имкониятларга эга. Тоталитар хокимияти шакли маъмурий буйрукбозлик зуровонликка асосланган эди. Сиёсий хокимият жамиятда хокимиятнинг бошка куринишлари: иктисадий, социал, маданий-ахборот, мажбуровловчи хокимиятларга таянган холда харакат килади.

Хокимиятнинг асосини ёки манбаини ресурслар ташкил этади. Бу ресурслар хокимият субъекти томонидан хокимият объектига илгари сурилган вазифага эришиш максадида таъсир курсатиш учун фойдаланилади. Ресурслар кишиларни рагбатлантириш, жазолаш ёки ишонтиришда қулланилиши мумкин. Хокимият ресурслари хилма-хил булади. Улар бир неча турларга : утилитар, мажбуровловчи, меъёрий ресурсларга булинади.

**Утилитар ресурслар** – бу кишиларнинг кундалик эҳтиёжлари ва талабларини кондириш билан бөглиқ булганмоддий ва бошка ижтимоий воситалардир. Бу воситалардан кишиларни рагбатлантириш, жазолаш учун хам фойдаланилади.

**Мажбуровловчи ресурслар** – бу маъмурий жазолаш билан бөглиқ булган воситалардир. Бу воситалардан одатда утилитар ресурслар иш бермай колган пайтда фойдаланилади. Бунга иктисадий санкциялар билан бирга иштирокчиларни конун йули билан ёки бошка мажбурий маъмурий таъсир курсатиш воситаларидан фойдаланишни мисол килиб курсатиш мумкин.

**Меъёрий ресурслар** – инсоннинг ички дунёси, кадриятлар ва хулк-авторига таъсир курсатувчи воситалардир. Улар буйсинувчиларга раҳбар ва ижро этувчилар манфаатларининг умумийлигини тушунтиришга, хокимият субъекти харакатларининг маъкулланишини, унинг талаблари кабул килинишини таъминлашга каратилган.

**Хокимиятнинг ресурсларини** инсон ва жамият фаолиятининг муҳим соҳалари- сиёсий-хукукий, иқтисодий, социал, маданий-ахборот, куч ишлатувчи соҳаларга биноан туркумлаштириш хам мумкин.

**Сиёсий хукукий ресурслар**-бу ижтимоий тартибни, хавфсизликни, баркарорликни, фуқароларнинг тинч-осойишталигини, жамиятнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини таъминловчи воситалардир. Бу воситаларга дастурний хужжатлар, Конституция, конунлар ва уларни ишлаб чикиш, кабул килиш ва амалга ошириш билан боғлик булган муассасалар киради.

**Иқтисодий ресурслар** –бу ижтимоий ва хусусий ишлаб чикириш ва истеъмол килиш учун зарур булган моддий бойликлар, уларнинг умумий эквиваленти сифатида пуллар, техника, унумдор ерлар, еости казилма бойликлари ва хоказолардир.

**Социал ресурслар**- социал стратификациядаги социал катламлар мавкега эга булиш, унинг ошиш ёки пасайиш холатидир. Бу ресурслар кисман иқтисодий ресурсларга хам боғлик булади. Масалан, даромад ва бойлик иқтисодий ресурслар булиши билан бирга социал макомни хам тавсифлайди. Бирок, социал ресурсларга лавозим, обру, маълумот, медицина хизмати, ижтимоий таъминот каби курсаткичлар хам киради.

**Маданий-ахборат ресурслари** – билим ва ахборот хамда уларни олиш ва таркатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва б. Таникли америка олими О. Тоффлернинг эътироф этишича, XX аср охири-XXI аср бошларида билим ва ахборот хокимиятнинг муҳим ресурсига айланади. Анъанавий куч ва бойлик узининг илгариги таъсирини йукотмоқда. Ким билим ва информацияга эга булса, уша чинакамига юкори мавкега хокимиятга эга булади.

**Куч ишлатувчи ресурслар**- бу курол-ярог, жисмоний мажбурловчи муассасалар ва бунинг учун маҳсус тайёрланган кишилардир. Уларнинг узагини армия, полиция ва хавфсизлик хизмати ташкил этади.

**Демографик ресурслар-хокимиятни** бошқаришда инсон, ахолига таяниш улардан фойдаланишdir. Инсон моддий бойликларнинг яратувчиси, аскар партия аъзоси, билим ва ахборотнинг эгаси ва таркатувчисидир. Шахс узининг куп сонли кирраларидан бирида-бировнинг иродасини амалга оширувчи восита сифатида фойдаланилганда хокимиятнинг ресурси булиб юзага чикади. Умуман, инсон нафакат хокимиятнинг ресурси, балки унинг субъекти ва объектидир.

«Легитимлик» атамаси узининг лугавий мазмунига кура французча «legitimite» сузидан келиб чиккан булиб, «конуний» деган маънони билдиради. Хокимият легитимлиги одатда унинг конунийлиги ва адолатлилиги, фуқаролар томонидан ижобий баҳоланишини ва ихтиёрий

тан олинишини англатади. У хокимиятнинг обройи билан, унинг мавжуд сиёсий институтларнинг оптимальлигига эътиқодни шакллантириш ва саклаб туриш кобилияти ва имконияти билан белгиланади.

Легитимлик ва легалликки бир хил тушунмаслик керак. Улар бир бирига айнан мос келмайдиган тушунчадир. Легаллик-хокимиятнинг хукукий асосланиши, унинг хукукий меъёрига мос келишини англатса, легитимлик - бу ишонч хокимиятини оклаш ва куллаб кувватлашдир.

**Анъанавий легитимлик** – у азалдан урнатилган тартибларнинг бузулмаслиги ва муқаддаслигига булган ишончга хокимиятга буйинсиниш - урф одатларга асосан шаклланади.

**Харизматик легитимлик-** (юонча «хаизма»-худо томонидан инъом этилган илохий кобилият). Бу легитимлик раҳбарнинг хаддан ташкари илохий кобилиятига, фавқулодда истеъодига халкнинг чексиз ишончига асосланади. Харизматик легитимлик анъанавий легитимликнинг тамоман аксиdir чунки анъанавий легитимликда шу пайтгача мавжуд булган урф одат анъаналарга таянилса, харизматик легитимликда янги нарсалар ва гояларга таянилади.

**Окилона –хукукий легитимлик-**Фуқароларнинг алохida шахсларга эмас, балки давлат тузилишига булган ишончига асосланади. Унинг асоасини окилона англанган манфаат ташкил этади. Окилона – хукукий легитимлик илгор, демократик давлатларга хос хусусиятдир. Бундай давлатларда кишилар раҳбар шахсларга эмас, балки конунларга буйсинади, хокимият вакиллари демократик тамойиллар асосида сайланади. Хозирги замон сиёсий амалиётида окилона –хукукий легитимликни соғ, идеал холда учратиш кийин, Уни купинча бошка турлар билан болжанган, окилоналиктинг анъанавийлик билан тулдирилган ва бойитилган холатда учратиш мумкин.

3. Жамиятларнинг сиёсий тизимлари таркибида узиниг тутган урни ва ахамияти жихатдан давлат хокимиятидан кейинги уринни сиёсий партиялар эгаллайди. Сиёсий партиялар аввало жамият аъзоларининг сиёсий карашларни ифода этувчи ташкилот булиб, жамият сиёсий хаётидаги узгаришларни, ижтимоий харакатларни маданий ва маърифий йұналишларыда олиб бориши учун уюшган сиёсий институт хисобланади.

«Партия» сузининг келиб чикиши лотинча «қисм», «булак» маъносини бидириб дастлаб Кадимги Греция ва Кадимги Римда пайдо булган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши маълум бир ривожланиш ва гоявий-сиёсий уюшмалигича вужудга келади ва амал килади. Бириңчи булиб сиёсий партиялар Юнонистанда вужудга келиб у хали ташкилий жихатдан шаклланмаган баркарор тузулишга эга булмаган. Бу партия кулдорлик синфи орасида канча оқим мавжуд булса, шуларнинг манфаатларини ифода этган. Урта асрларда хам бундай партиялар мавжуд булиб улар хукмрон синфлар манфаатини химоя килған. Аммо том маънодаги сиёсий партиялар харакати Европада буржуза инкилоблари натижасида шаклланди. Урта Осиёда XX аср бошларига келиб ташкил

топди. Бу аввало Урта Осиёда мустамлакачилик сиёсатига кариши озодлик харакати билан бөгликтин. Жумладан шу йилларда кенг ёйилган жадидчилик харакати туфайли "Турон", "Иттиходи тараккий", "Бирлик", "Шарқ озодлиги", "Ёш бухороликлар", "Ёш хиваликлар", "Мифтах ул-маориф", «Шурий исломия», «Шурий уломо» ва бошка куплаб ижтимоий сиёсий ташкилотлар фаолият курсатади. Бугун сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий, иктисадий, маданий хаётида узининг муносаб урнига эга булиши аввало, максад ва вазифаларига мос амалий фаолият курсатиши билан белгиланади.

Узбекистон Республикаси Конституциясига мувофик зуровонликка асосланган ёки маълум диний ва иркий гояларга асосланган сиёсий партиялар ташкил топиши конун билан таъкиданади. Сиёсий партиялар жамиятни демократлаштириш жараёнларида халкнинг иштироқини таъминлайди, сиёсий харакатга келтириди. Турли сиёсий партиялар, харакатлар билан сиёсий гурӯҳлар фаолиятини умумдавлат манбаатлари даражасида жипислаштириш оркали ховфсизлик, баркарорлик, баркарорлик ва танланган сиёсий йулдан огишмасликдан маъсул хисобланадилар.

Бугун Узбекистонда "Узбекистон халк демократик партияси", "Узбекистон Фидокорлар халк демократик партияси", "Адолат социол-демократик партияси", "Узбекистон миллий тикланиш демократик партияси", «Узбекистон либерал демократлар партияси» хамда "халк бирлиги харакати" фаолият курсатмокда. Партиялар аввало, уларнинг кандай ижтимоий гурӯҳ манбаатларини ифода килиши, уз олдига кандай максадларни куйғанлиги хамда уларни кайси йул асосида амалга ошириши билан белгиланади. Демократик мамлакатларда хар бир сиёсий партия кенгрок ижтимоий катламни камраб олишга харакат килади.

Партия жамият хаётини демократиялаштиришда ва хар бир мамлакат олдида турган вазифаларни белгилашда ва амалга оширишда узига хос урнига эга булади. Биринчидан, жамоатчилик фикрини шакллантириш, иккинчидан, сиёсий фаолиятда иштирок этиш, учинчидан, фукаролар сиёсий фаоллигини куллаб-кувватлаш ва рагбатлантириш, туртинчидан, сиёсий маданиятни ошириш, бешинчидан, парламент ва хукumat фаолиятига сиёсий максадлари оркали таъсир курсатиш, олтинчидан, давлат олдида турган максадларнинг шаклланиши ва амалга оширишда фаол иштирок этиш, еттинчидан, фукаролар тарафдорлари, муайян ижтимоий катлам манбаатларини химоя килиш максадида давлат хокимиятидан муайян урин олиш максадида сайловларда иштирок этиш ва курашиш. Партия дастурлари сиёсий-ижтимоий аник максад ва функцияларга каратилган булиб, улар икки турга булинади. Ички функциясига: 1) жипислаштирувчи, 2) мувофиклаштирувчи, 3) рагбатлантирувчи, 4) етакчиликка интилиш, 5) уз мавкеига мослиги.

Ташки функциясига 1) таргибот ва ташвикот, 2) маълум сиёсий йуналишга мослаштириш, 3) сиёсий воеа ва жараёнларга хозир жавоблик каби вазифалар киради.

Сиёсий партиялар янги жамият куришда инсонларнинг олдида турган энг долзарб муаммоларини илгари суришда уни хал этишни йулларини курсатишда давлат ва жамият курилишида амалий таклифлар билан чикишда ташаббускор булишлари зарур.

Маълумки, давлат хокимиятини бошкариш шакллари хилма-хил булиб, бунда гарб ва шаркнинг узига хос жихатлари мавжуд. Унинг бирон-бир шаклинин андоза сифатида шунчаки кабул килиш ёки бошкариш шакилларини узаро синдириш йули демократиянинг ягона моделини яратиш хам мумкин эмас. Хар бир давлат демократиянинг у ёки бу шаклига уз хусусиятларини хисобга олган холда уни бойитиши узига хос тараккиёт йулидан ривожланиши шу мамлакат ахолисини хошиш иродаси билан тула мувофик тушади. Демократиянинг дунёвий тамойиллари асосида давлат ва жамият бошкарувининг умумий жихатлари намоён булади.

Хар бир мамлакатнинг узига хос сиёсий хаётига кура бир партиявий, икки партияли ва куп партияли тизимлар шаклланади. Куп партиявийлик омилиниң афзаллиги шундаки, сиёсий партиялар мамлакатдаги турли хил маслақ, фикр, караш ва манфаатларни англашда узига хос дунёкараш, муносабат тамойиллари билан фаркланадиган ижтимоий гурух катламларини бирлаштириб, уларга таянган холда мамлакат олдида турган умумий максад йулида мамлакат хар бир фукаросининг хошиш – иродасини, хак-хукукларини, эркинликларини химоя киласи. Якка партиялик тизимида эса, «партия» тушунчаси уз мохиятини йукотади. Якка партиялик окибат натижасида гегемон, ягона мафкуранинг воситасига айланади.

Президентликка сиёсий партияларнинг номзод курсатиш хукукининг мавжудлиги ва галабадан сунг у ёки бу партия номидан Президентнинг давлатни бошкариши дунёдаги куплаб давлатлар тажрибасидан маълум. Узбекистон Республикаси Президентликка номзод курсатишда сиёсий партиялар тенг асосда иштирок этди ва уларнинг айлов олди таргибот-ташвикотишлари учун зарур булган барча имкониятлар бажариб борилди. Бундай имконият аввало Узбекистонда сайловлар утказиштугрисидаги конунда кафолатланган. 3. Сиёсий партиялар уз олдиларига куйган вазифаларни амалга оширишда албатта оммовий ахборот воситаларидан фойдаланилади. ОАВ оркали аввало инсонлар сиёсий, ижтимоий, иктиносидий, маданий хаётда хамда дунё хамжамияти, давлатлараро муносабатларида содир буладиган узгаришлардан хабардор буладилар.

#### **4-Мавзу: Сиёсат ва миллатларо муносабат. Сиёсат субъекти: гурухлар ва катламлар.**

##### **РЕЖА**

1. Миллат тушунчаси, сиёсий жараёнлар ва миллий муносабатлар.
2. Миллий муносабатларнинг намоён бўлиши, сиёсат ва миллат тараккиёти.
3. Миллий мустакиллик ва миллий ривожланиш.
4. Сиёсат субъекти тушунчаси. Гурухлар ва катламлар.

Миллий сиёсат миллий муносабатларнинг окимни ривожлантирган холда бошкаришни англатади. Лекин миллий муносабатларнинг узи таркок этнослар, элатлар, бир миллат булиб ковушгандан кейингина содир булиши мумкин. Демак, аввал миллат тушунчасининг мазмунини, ундан кейин эса миллатларнинг вужудга келишлари шарт шароитларини билиб олишимиз зарур.

Миллат тушунчасини аниклашга турлича ёндошувлар мавжуд булиб, уларнинг харакатлари натижасида андиклик киритади. Инглиз файласуфлари Эрнест Гелянер, миллатни инсоният яратган, у инсон иши ва онгининг маҳсули. (Вопросу философии, №7 1989й) Рус олимни Л. Иоаннинг фикрича «миллатга мансублик инсонга тугилишдан берилади ва унинг бутун хаёти давомида узгармай колади. Ужинс каби узгармасдир». Рус олимни В.А Тишковнинг фикрича "Миллат илмий тушунча эмас, бу сиёсий шиор ва сафарбарлик воситасидир (социологический исследования, №1, 1997, 52бет).

Миллат инсоният ва жамият тараккиётининг хосиласидир. Унинг шаклланишида моддий омиллар хусусан худуд, давлат, иктисолиёт муҳим роль уйнаган булса хам, улар миллатнинг тулик моҳиятини очишга кодир эмас. Улар инсонларнинг узаро яқинлашишида узининг таъсирини утказган. Аммо, миллатни бирлаштирувчи нарса маънавий омиллар хисобланади. Хусусан, руҳият, тил, маънавият, урф-одат, анаъаналар, кадриятлар оркали шаклланади.

Миллат умумий тил, маънавият, миллий узликни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар эга булган ва муайян худудда яшовчи кишиларнинг этник бирлигидир деб таъриф бериш мумкин. Иктисолий эҳтиёжларни кондириш манфаатларидан келиб чиккан холда этник бирлик вужудга келади. Бу эса маънавий омилларнинг йўқ булиб кетишига таъсир этаолмайди. Чунки маънавий омиллар кишиларнни этник бирликка бирлаштириб уларни «ташки» хавф-хатарлардан огох килиб туради.

Миллатларнинг бошка соҳаларда булганидек, сиёсий соҳаларда хам узига хос манфаатлар мавжуд булади. Миллатнинг бу соҳадаги асосий манфаати 1-навбатда узининг сиёсий хукукларига эга булишидир. Бу хукуклар давлатни бошкариш, жамият сиёсий жараёнларида иштирок этишга эришишдир. Сиёсий жараёнлар сиёсий институтларнинг ишлашини таъминлаш ижтимоий гурухлар, шу жумладан миллатлар

уртасидаги муносабатлар баркарор ривожланишига узининг ижобий таъсирини курсатади. Агар давлат хокимияти тармокларининг баркарор ишлаши бузилса унда миллий муносабатлар хам бузилади. Миллатларни сиёсий манфаатларини хусусан уларнинг тенглигини давлат ишларига катнашишда назорат килинмаса норозилик пайдо булади.

Миллатлараро муносабатларнинг сиёсий жихатлари: 1) уз тақдирини узи белгилаш, халкларнинг миллий давлат куришга эга булиши; 2) миллий ва умуминсоний манфаатлар уйгунлиги; 3) миллатларнинг тенг хукуклиги; 4) миллий маданият ва тилларнинг эркин ривожланиши; 5) миллий кадрлар тайёрлаш; 6) ижтимоий сиёсий ташкилотлар, партиялар ва хараклар фаолияти; 7) миллий элиталар уртасидаги алокадорлик; 8) миллатлараро муносабатлар сиёсий маданиятини, халкларнинг сиёсий анъаналарини шакллантириш; 9) миллатлараро ихтилофларининг олдини олиш, миллатлараро хамжихатлика уз ифодасини топади. Демак миллий муносабатларининг баркарорлиги сиёсий жараёнлар, яъни сиёсий хокимият, сиёсий партиялар ва характлар узаро муносабатларнинг холати билан боғлиkdir. Сиёсий жараёнларнинг баркарорлиги миллий муносабатларнинг баркарорлиги билан таъминланади. Чунки миллатлараро мажораларнинг келиб чикишига асосий сабаблардан бири ва энг асосийси миллат хуукларининг пой-мол этилиши, унинг гурури, иззат нафсига тегиш, унга нисбатан хурматсизликни юзага келишидир.

Миллий сиёсат – давлат томонидан уз худудида яшаётган турли миллатлар ва этник гурухларнинг ривожига миллатлараро муносабатларини такомиллаштиришга ва шу асосда миллий тараккиётни баркарор ривожлантиришни ташкил килишга каратилган, аник максад асосида олиб бораётган фаолиятдир.

Миллий сиёсатнинг илмий методологик асослари шу кадар кенг оммавийлашиб, хозирги кунда умуминсоний кадриятларга айланиб кетганликлари хакидаги фикр мулохазаларни илгари сурсак, хеч кандай эътиrozга урин колмайди.

Масалан, уз тақдирини узи белгилаш масаласини олиб курайлик. Хамма миллатлар хали хилма-хил шаклдаги муносабатларни урната олади. Улар хар хил уюшмаларда катнаша олади, ягона давлат атрофида ихтиёрий равища бирлашиш, муҳторият шаклини танлаб олиш, федерация асосида иттифок тузиш имкониятига эга булади ёки улар таркибидан мустакил давлат булиб чикиши мумкин, бунинг учун хукук доирасидан чикмасдан энг адолатли. Энг тенг хукукли, энг демократик, энг инсонпарвар рухда хал килиш керак булади. Масалан, Финландия, Литва, Латвия, Эстония каби чор Россиясининг собик миллий улкалари уз халкларининг хоҳиш-иродаларига уз миллий давлат мустакилликларини Совет хокимияти кулидан кабул килиб олдилар мустакил давлат булиб уз тақдирларини узлари хал килиб келмокдалар.

Миллий масала деганда турли миллат ва элатларнинг узаро муносабатларида зарур эхтиёжларни кондириша тускинлик килувчи холатларнинг юзага келиши тушунилади. Улар куп миллатлар яшайдиган мамлакатларда у ёки бу мамлакатларнинг манфаатларини хисобга олмаслик холатларидан келиб чикади.

Масалан хамма Республикалар 1991 йилда конуний уз тақдирларини узлари белгилаш хукукини олганларда Догистон, Чеченистон, Каъардино балгарлар индамай утиришди-да качонки хамма нарса уз жойига тушгач улар норозилик билдира бошладилар ва натижада ахвол томоман ёмонлашиб Чеченистонда улка киёфасини йукотди. Сиёсий идора етмагандан кейин раҳбар бу масалага жиддий ёндошмагандан кейин ахвол томоман ёмонлашиб кетди. Сиёсий жараённинг киёфасининг узгариб кетишига эса халк бошига кулфат келтирди.

Миллий муносабатлар эса турли миллатлар яшайдиган мамлакатларда улар уртасида моддий ва маънавий соҳада узаро ёрдамлашиш, бойиш ва хар иккала миллат уртасида муносабатларни яхшилаш масалаларини излаш керак-ки бу миллатлар манфаати учун зарур.

Хозирги кунда бир давлат иккинчи давлатга иктисадий, ижтимоий, маънавий, маданий ёрдами бу хар икки давлат уртасидаги муносабатни яхшилаш максаддадир.

Куп миллатли Узбекистонда ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат оқимлари пойdevорига куриладиган инсонпарвар ва демократик жамиятни яратиш-миллий сиёсатнинг боскичма-боскич тарихий шарт шароитларни инобатга олган холда хаётга жорий килишни такозо килинади. Агар тарихий боскичларга амал килмасак ёки уларни четлаб утсак унда миллий сиёсатнинг окиб колишига ва издан чикишига олиб келиши мумкин.

Куп миллатли Узбекистон жумхурияти сиёсий хукумронлик вазифасини амалда бажараётган хокимият муассасалари ва сиёсий фирмалар масъулияти янада ортиб бораётганлиги уларни хозирги шароитдаги миллий сиёсат асосларини ишлаб чикишга ва харакат дастурига айлантиришга олиб келди.

Хозирги жамиятга мос келадиган сиёсат асосларини назарий ишлаб чикариб давлат хокимиятига кураётган Узбекистон хакида Президент И.А. Каримов уз асарларида фикр-мулоҳазаларини баён килди. Узбекистон Республикасининг мустакиллиги 31 август 1991 йилда эълон килинганди. " Узбекистон уз истиклол ва тараккиёт йули" асарида Узбекистонда тугилган унинг заминида яшаётган ва меҳнат килаётган хар бир киши миллатига, динидан катъий назар унинг фукаросидир дейилади. Авлод аждодлари ёки узлари утмишдаги фожеали воеалар сабабли хорижга кетиб колишига мажбур булган узбеклар хам бемалол кайтиб келиши, Узбекистон фукароси булиши мумкин деб уктирди.

Куп миллатли давлатларда кандайдир сабаблар хусусан ташки кучларнинг аралашуви ёки узларини миллатпарвар килиб курсатувчи аслида узининг жирканч максадларини амалга ошириш йулида атайлаб миллатлараро муносабатлар кескинлаштиришга харакат килувчи ички кучларнинг айби билан юзага келиши мумкин булган миллатлараро мажораларни бостиришда албатта сиёсий йулдан фойдаланиш керак булади. Куч ишлатишдан воз кечиб, сиёсий воситалардан фойдаланиш керак. Куч ишлатилса миллатларни жаҳолатга олиб келади. Бу эса хатарлидир.

Куриниб турибдики миллатлараро муносабатлар нихоятда мураккаб масала хисобланади. Шунинг учун давлат фаолиятида миллий сиёсат устивор йуналиш булиб келган бундан кейин хам шундай булиб колади.

Миллий сиёсат узбекистонда миллатлар эркин гурухларнинг ривожига, миллатлараро муносабатларни такомиллашувига шу асосда баркарорлашуви учун хамма имкониятдан фойдаланиш керак.

Хозирги шароитда Узбекисонда миллий масала, миллий сиёсат Президент И. А. Каримов барча жумхуриятлар туб ахолисининг уз тилини давлат тили макоми даражасида белгилаши, миллий тилларни саклаб колиш ва ривожлантириш миллий маданиятини хурмат килиш каби куп масалаларга ахамият бермоқда.

1936 йилда кабул килинган бутун Республикалар учун Конституциянинг хеч бир пунктига амал килишмади. 150 йил давом этган камситишиш тоталитар тузим узбек миллати бошига жуда катта кулфатлар олиб келди. Миллатчилик натижасида канча канча узбек угил кизларимиздан ажралдик. Социализ гоҳо коммунизм деган бемаъни хаёлий нарсалар билан инсонларни алдаб келди.

Буюк давлатчилик шовинизм шу кадар уз башарасини очиб ташладики бу нарса то 1989 йилгача давом этди. Кишини киши томонидан камситишиш хурланиш холатлари кузга ташланади, хаттоки давлат, жамоа ишларига хам рус тилини билмайсан деган айб билан ишга олмаслик, узбек мактабларини ёпиб урнига рус мактабларини очиш авж олди. Миллатчилик шу кадар авжига чикиб кетдики биз жуда куп ёзувчи шоирларимиз, шифокорларимиз, инженеоларимиз, давлат арбобларимиздан ажралдик. Бу бизга жуда катта кимматга тушди. Булардан, Абдулла +одирий, Абдухамид Чулпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир миллатимиз озодлиги йулида шахид кетган унлаб сиймоларининг маънавий киёфаси эсимиздан чикмайди. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик Ш. Рашидов тақдирига жуда катта таъсир килди. Шароф Рашидов уттиз уч ёшида Узбекистон ССР Олий Савети Президумининг Раиси булди. Собик СССР тарихида бундай ёш раҳбар олий хокимият эгаси булмаган. 1959 йилдан 1983 йилгача Узбекистон Компартиясининг биринчи секретари булди. Ш. Рашидов уз тузумига садокатли ва халк билан бирга эди.

Таталитар тузум "дохий"лари халкимиз бошига кулфат келтириди. Шовинистик миллатчилик, шаккоклик билан кишиларимизни тахкирладилар.

Файзулло Хужаев, Акмал Икромов, Мунавар +ори Абдурашидхонов, ака-ука +осимхужаевлар эса маллатчи шовинистлар томондан йук килиб ташланди. Шовинистик миллатчилик XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб жадидчиликда айблаб зиёлиларни катогон килишни бошлади. Акмал Икромов камалгандан кейин угли Комил Икромов 10-14 ёшли болани хам 10 йил камока хукм килишди. Усмон Носирни 24 ёшида тухмат билан камадилар.

Миллатларнинг узаро муносабатларда асосий коида уларнинг сиёсий жихатдан teng эканлигини тан олишdir. Буюк ва иирик миллатларнинг уз сони ва имкониятларга ишониб, кичик миллатларга дук пуписа килиб, курол кучи билан забт этиш ва буйинсиндириш ниятлари кейинги вактда Въетнам, Жазоир, Афғонистон, Абхозия мисолларида асосизлиги ва амалга ошмаслиги исботланди. Собик СССР нинг мамлакатда энг куп сонли миллатга имтиёзлар тугдирib, бошка миллатларни моҳиятан камситиш сиёсати тула равишда узини фош килди ва ун беш мустакил давлатга парчаланиб кетишининг асосий сабаблардан бири булди.

Куп миллатли Узбекистон жумхуриятида миллий сиёсий соҳасида амалга оширилиши мулжалланган хар бир мустакил давлат миллий сиёсатнинг харакат дастурида барча миллатларнинг фан халқ таълими, маданий хаёт соҳаларида хам бир канча омилкор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 130 дан ортик миллат ва элатларнинг тинч тотув яшаши демократик жамиятни ривожлантиришнинг асосидир.

"Туркистон-умумий уйимиз" гоясига асосланган узаро муносабатлар концепциясини илгари сурар эканмиз, минтакада хам, унга кирадиган айрим давлатларда хам инсонлар уртасидаги узаро муносабатлар тартибга солинишини истаймиз.

Нихоят, Узбекистоннинг миллий сиёсатини амалга оширган вактда миллатлараро муносабатлар жараёнida миллий ва минтакавий хавфсизликка таҳдид соладиган можароли вазиятларгни сиёсий йул билан хал килишга амал килишимиз керак булади.

Давлатнинг этник сиёсати шахс хукукларини химоя килишнинг устивор булишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг хукуклари хам камстилмаслиги шарт.

4. Ижтимоий тараккиётнинг хозирги шароитлари узига хос сиёсат майдонига олиб келади. Сиёсат турмушнинг барча соҳаларига купрок кириб бормоқда, уларнинг онгига фаол таъсир килмоқда. Сиёсатга омма купрок тортилмоқда, илгари сиёсий манфаатлари булмаган табакаларни хали узига тортмоқда. Инсон уз касбидан катъий назар вакти билан унга кизикиш пайдо булади-ки натижада уни субъектига айланади.

Сиёсат билан инсон уртасидаги муносабатда икки хил муносабат мавжудлигини хамда хар хил оқибатлар келтириб чикиришингиң олиш мумкин. Ижобий холида салбий муносабатларга келиши мумкин. Инсон сиёсат билан шугулланса уни сиёсатнинг фаол субъекти сифатида, унда узга хос дунёкараш, онг ва маданият, хамда сиёсий муносабатларнинг мохиятини идрок этадиган сиёсий жараёнларга баҳо берадиган куникма, малакага эга эканлигидан далолат беради.

Сиёсат ёпик, факат олий табакалар, мутахасисларгина шугулланадиган соҳа булмай колди. Сиёсат янада купрок кишилар харакат киладиган шахсий манфаатларини кондирадиган соҳа, хар бир субъектнинг узлигини намоён килиш шакли булиб бормокда. Сиёсий жараёнга куп сонли кишиларнинг тортилиши сиёсий арбобларнинг фаолияти, сиёсатини янада купрок даражада омма назорати остида иш олиб бориш масаласи уйгинлашмокда. Буларнинг хаммаси кушилиб субъектнинг сиёсий макоми унинг хукуклари ва эркинликлари муаммосини ута кескинлаштириди. Ушбу хол эса сиёсий жараёнда субъектнинг урни ва ролига янгича нигоҳ билан карашни, унинг сиёсий макомини аниклаб олишни, шахснинг сиёсий субъектлиги мохиятини очишни такоза этади.

Сиёсатда масалан, этник ва миллатлараро муносабатларда зиддиятларни келтириб чикармаслик учун миллий кадариятлар ва анъаналарни саклаб колиш билан боялик табиий интилишлари, уларни тил, маданият ва бошка хусусиятларни эркин ривожлантиришни такоза этади.

"Айни маҳалда,- дейди И.А.Каримов,-бир миллат уз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошка миллатларнинг ёки бошка халк вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш хисобига рӯёбга чикармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакилларининг бошкаларга такабурлик билан менсимай муносабатда булиши каби холатлар юзага чикиши мумкин булган хар кандай шароитга барҳам бериш лозим".

Мустакиллик туфайли Узбекистон Республикаси шундай демократик жараёнларни амалга оширмокда, Максад мамлакатда демократик адолатни ва фукаролик жамиятни куришdir.

Маъмурий буйруқбозлиқ бошқарувига асосланган жамиятда демократик тамойиллар ривожига урин берилмайди. Бундай жамиятда сиёсат инсонни сиёсат билан шугулланишига эркинлик бермайди.

Хозирги кунда хар бир субъект у ёки бу давлатнинг фукароси хисобланишининг узи уни давлат курилишнинг сиёсати билан боялади, унинг хукуклари ва эркинликлари, бурчларини белгилаб беради. Сиёсат - бу субъектлар уртасидаги муносабат соҳасидир. Шунинг учун сиёсатга жуда куп омиллар, муносабатлар таъсир курсатади. Шунда сиёсат субъекти тушунчаси ишлатилади. Сиёсат субъекти деганда гурухлар, катламлар, ташкилотлар, сиёсий фаолиятнинг иштирокчилари сиёсатнинг субъекти дейилади.

Сиёсат субъекти сифатида алохига инсонлар социал гурухлар, катламлар, институтлар ва харакатлар фаолиятда иштирок этишини билдирсада, уларнинг сиёсатда тутган урни ва роли хилма-хил булади. Уларнинг сиёсий муносабатларда иштироқи, максади манфаат доираси билан белгиланади.

Субъектнинг хаёти хамиша сиёсий мазмун билан сугорилган. Шахс энг камида сиёсий хаётнинг айрим хужжатларини ва шаклларини, яъни хозирги вактда жамиятни ташвишга солаётган сиёсий муаммоларнинг моҳиятини узига таъсир килдира билиши, сиёсий хаётда катнашиш ва ижтимоий хаётга таъсир курсатишнинг асосий шаклларини эгаллаши мумкин.

Узбекистонда сиёсий жараёнларни ва муносабатларни баркарорлаштириш, хамда демократик жамият куриш вазифаларини муайян социал гурухини хоҳиши иродаси, орзу умидларини руёбга чикириш билан бөглиқ. Бу сиёсат социал гурухлар манфаатини узида ифодалайди. Узбекистон Республикаси куп миллатли (полиэтник) давлат сифатида, мавжуд социал гурухларнинг манфаатларини аник хисобга олаётганлигини, миллатлараро тотувлик хамжихатликни мисол тарзда келтириш мумкин.

Сиёсий фикр тарихида турли ижтимоий гурухлар, катламлар манфаатини хисобга олиш зарурлигига алохига эътибор каратилган фикрларни куплаб учратамиз. Айникса А. Н. Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, А.. Темур, А. Навоий, З. М. Бобур мисол тарзида келтириш мумкин. М: А. Темур мамлакатда ижтимоий гурухларга таянган холда, уларнинг манфаатларини кузлаган холда бошқариш масаласини куйган.

Мустакил Узбекистон давлати сиёсатида, мамлакатнинг ижтимоий- иктисодий ривожланиш даражаси, бозор муносабатларига интилишнинг узига хос хусусиятлари билан мос равишда, унинг социал муносабатларининг негизини ташкил этувчи муаян гурухлар, катламлар уларнинг максад манфаатлари холида муаммоларини аник хисобга олган холда амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда амалда давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Давлатимизда конун чикарувчи орган-Олий Мажлис, сайлаб куйиладиган махаллий ваколатли органлари -Кенгашлар, Президент, Баш Вазир, Баш Вазир уринбосари, тегишли ваколатга эга булган вазирлар ва махкамалар раҳбарлари, хокимлар ва уларнинг таркибий булинмаларини, турли социал гурухлар манфаатларини хисобга олиш ва амалга оширишdir.

Сиёсатнинг субъекти сифатида ёшлар, Социал гурух ёки катлам сифатида сиёсий муносабатларда алохига урин тутади. Мамлакатимизда ёшларга алохига эътибор берилаётганлиги аввало ёшларнинг мамлакат ахолиси таркибидаги урни билан бөглиқ булса, иккинчидан, Узбекистоннинг келажаги ана шу социал гурухларниниг максад ва интилишларини, муаммоларнинг сиёсий муносабатларда аник хисобга олиш билан бөглиқ эканлигини хаётнинг узи курсатиб турибди.

Республика Олий Мажлисида " Ёшлар билан ишлаш кумитаси"нинг ташкил этилганлиги, Республика телевидениясида "Ёшлар" телеканалининг очилиши , Узбекистон ФМДП "Ёшлар" каноти, унинг " Эъзозчилар" ва " Эколог" гурухларининг ташкил этилиши, Республика "Камолот" жамгармаси хамда унинг жойлардаги булимлари. Ёшларнинг сиёсатда кандай урин тутишини курсатади.

Республика ахолисини ижтимоий, иктиносий, сиёсий маданий хаёт соҳалари, уларнинг ёшлиги, касби, ижтимоий-иктиносий ахволи каби турли социал гурухларга булиниши мумкин. Бу сиёсат субъекти ва унинг иштирокчиларини урганиш, таҳлил этиш катта ахамият касб этади.

Республикамиз куп конфесияли давлат ислом, рус, праваслав, Рим католог, арман-григориян, лютеран, баптистлик, яхудийлик ва бошка диний конфесиялар каби ижтимоий гурухларни ташкил килади. Сиёсат уларнинг алоҳида манфаатини эътиборга олинади.

Мамлакатда демократик жамиятни ривожлантириш учун "Урта мулқдорлик катлами"нинг урни мухим ахамиятга эгадир. Мамлакатда канчалик куп урта мулқдорлар булса, бу ерда баркарорлик, ижтимоий, сиёсий, иктиносий, маданий муаммолар анча уз урнига тушади. Демак, "Урта мулқдорлар синфи" тушунчаси собик Совет даврида ишлатилган "синф" тушунчасидан тубдан фарқ килади. Бу уринда гап мулк шаклларини хилма-хиллиги хакида кетса; унда хусусий мулк хар кандай давлатнинг демократик негизлари баркарорлигининг иктиносий асоси хисобланади. Давлат бой булса оила, хар бир одам бой булади.

Урта мулқдорлар катлами сиёсатнинг "субъекти" сифатида узини намоён этади. Демак "мулқдорлар", "тадбиркорлар"га мустакил уз "ишларини" ривожлантиришда хукумат ва маҳаллий хокимлар хам ёрдам берадилар. Давлатнинг куч кудрати демократик институтларнинг мустакил фаолият курсатиши шарт-шароит яратиш, тадбиркорларга эркинлик бериш, зарур имкониятларни ташкил килиш кабилар асосида шаклланади.

Бу соҳада Узбекистонда эришилаётган ютуклар урта мулқдорлар катламининг кенг ривожлантиришдан давлат манфаат куриб турибди. Сиёсий муносабатларда уларнинг манфаат, кизикиш ва муаммоларини туларок хисобга олиш келгусида хам катта ахамиятга эгадир.

Урта мулқдорларнинг уз ишларини мукаммал билиб олишлари ва уни жамият конунларига мос ва хос булиши мамлакатни иктиносий жихатдан камол топишига олиб келиш билан бир каторда демократия тизимининг шаклланишини янада тезлашади. Урта мулқдорлар синфининг шу жамиятга мослашуви давлатнинг тинч-осоишта тараккиётидир.

Куп укладли яъни мулкни хилма-хиллигига асосланган иктиносий шакллантириш унинг кофолати булиб хизмат килади. Давлатлараро муносабатнинг яхшиланиши хусусий мулқдорларнинг иктиносий жихатдан камол топганлигидан далолат беради. Мамлакат канчалик иктиносий, ижтимоий, маънавий бойдикка эга булса давлатларнинг

эътибори шу давлатга каралади. Хозир сиёсат цивилизацияси давлатлари билан хамкорликда булиб у давлатларнинг ривожланиш конуниятлари билан тула танишиб уни узимизга хос-мос килиб тадбик этишдир.

Урта мулқорлар субъектини сиёсий жихатдан анча масалаларни тугри англаган холда иш юритиш йули билан мулкка эгалик килади. Тадбиркорлик иктисадий ташабискорлик булиб, энг охирги янгиликлардан хабардор, билимдон, уткир, иродали булмоги керак.

Мустакиллик мулқорлар синфини вужудга келтирди. Мулқдор гурухи хамиша мамлакат ичкариси ва ташкарисидан шу ярашаётган мулкни янада купайтириш, бойитиш, давлатни омборини тулдириш каби хислатларга эга булиш зарур.

## **5-Мавзу: Сиёсий онг ва сиёсий маданият. Сиёсий мафкуралар**

### **РЕЖА**

1. Сиёсий онг. Шарқ сиёсий онгининг асосий турлари.
2. Сиёсий маданият тушунчаси ва мохияти.
3. Сиёсий мафкура: тушунчаси ва функциялари.
4. Сиёсий мафкураларнинг асосий куринишлари.

Сиёсий маданиятнинг асосларини, пойдеворларини ибтидосини сиёсий онг, сиёсий мафкура, сиёсий рухият, сиёсий хулк автор ташкил килади. Улар заминида ва воситасида сиёсий маданият шаклланади, улар оркали намоён булади ва амал килади.

Инсон онги тажрибада илмий, сиёсий, фалсафий ахлокий, эстетик, диний кадриятлар хам муҳим урин тутади, сиёсий онг воситасида инсоннинг уз-узини англаши жараёни ижтимоий-сиёсий хусусиятга эга булиб бораверади. Сиёсий онг купинча сиёсий тасаввурлардан иборат булади.

Сиёсий онг-бу гурухий характерга эга булган онгдир. Хар бир киши маълум ижтимоий гурух, табаканинг аъзоси, бирорта миллатнинг вакили, бирор давлатнинг фукароси хисобланади. Сиёсий онг кишилар томонидан узларининг бирор-бир гурухга мансуб эканликларини англаш асосида шаклланади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланишига куйидагилар асосий манба булиб хизмат килади.

Биринчидан-инсоннинг оиласи мухити. Сиёсий гоялар ва хиссиётлар унга оиласидаги тарбия оркали берилади. Бунга ижтимоий, рухий карашлар-сиёсий онгнинг пойдеворини хосил килади. Бу эса фукаро шахсини шакллантиради.

Иккинчидан- бу кенг маънодаги ахборотлар инсонга телевидения, радио, матбуотлар оркали кириб боради.

Учинчидан- унинг шахсий тажрибасидан келиб чикади. Масалан ахборот хакикий ёки ёлгон булиши мумкин. Инсоннинг хаётий тажрибасига асосан бу билимларни сиёсий вокелик сифатида кабул килиш керак.

Куп сиёсий таълимотлар ва кадриятлар сиёсий онгнинг маҳсули булатуриб, хозирги жамиятда гоявий ахамиятга эгадир. Улар кишиларнинг сиёсий маданиятини такомиллаштириш учунгина эмас, балки инсониятнинг маънавий, маърифий маданий тараккиёти учун хам мухимдир.

Сиёсий онг функциялари:

1. Билиш, ахборот бериш. Кишилар хоҳлайдиларми ёки йукми сиёсат дунёсига дуч келадилар. Агар улар сиёсат билан шугулланмасалар сиёсат улар билан шугулланади. Сиёсат кишиларга сиёсий ахборот куринишида "кириб" боради.

Сиёсий онг кишиларни ташки дунёда буладиган масалалар билан танишитириб бориб ижтимоий сиёсий хаётда уз урнини топишга ёрдам беради.

2. Бахолаш функциясида- кишилар у ёки бу сиёсий ходисаларни англаш жараёнида уларга нисбатан уз муносабатларини билдирадилар. Айнан сиёсий вокеликни бахолаш оркали уз позицияларини, кизикишларини билдирадилар. Масалан Россия раҳбарларининг Грузияга булган позицияси хакида фикрлайдилар. Унинг тугри нотугрилигини анализ киладилар ва уз позицияларини айтадилар.

3. Сиёсий-ижтимоий йуналтириш. Сиёсий онг кишиларга узларини жамият ва давлат олдида нафакат бурчларга, мажбуриятларга, балки муайян хукуклар, эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эга булган фукаролар эканликларини англашга ёрдам беради. Сиёсий онг узининг йуналтирувчилик функцияси оркали кишиларнинг хулк атворларини, узларини социал сиёсий манфаатларини химоя килишлари учун ижтимоий хаётда иштирок этишлари, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига узларининг хамфирлари билан бирлашишлари зарурлигини уйготади.

4. Сиёсий хаёт ва манфаатларни тартибга солиш. Сиёсий онг вокеликни идрок этиш асосида хамда унинг томонидан ишлаб чикилган сиёсий гоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва эътиқодлар негизида кишиларнинг сиёсий ижтимоий хулк атворини, фаолиятини тартибга солади.

Сиёсий онгни тартибга солиш эхтиёжи жамият тараккиётининг кескин бурилиш боскичларида инкиrozлик даврларида мислсиз ортади. Сиёсий тизимнинг самарадорлиги, вокеаларининг ривожланиш йули, ижтимоий-сиёсий узгаришларнинг сиёсий онгига курсатмалариға боғлик булади.

Сиёсий онгнинг уйгунлашиб, камолот сари интилишида, окилона ва самарали йуналишдаги сиёсий жараёнлар ва жамоатчилик фикрини инобатга олиш, унинг керакли томонларини узига сингдириш, сиёсий максад йуналишига ишлата билиш бу жуда катта ахамият касб этади.

Хаётда юз берадиган холатларни сиёсий онг тартибга солиб боради, уни харакатга келтиради, узгартырилади.

Хар бир жамиятни узига хос тараккиёт тизими булганидек кишилар хам шу тараккиёт тизимиға уз функцияларини бажариб кумак бериб борадилар.

Шундай килиб, сиёсий онг социал субъектлар (индивидулар, гурухлар, синклар, ижтимоий бирликлар)нинг ижтимоий хаёт сиёсий соҳаси хакидаги билимлари, тасаввурлари ва бахолашларининг йигиндисидан иборатдир. У бир катор функцияларни билиш, бахолаш. Йуналтириш, тартибга солиш каби функцияларни бажариш билан жамият хаётида муҳим рол уйнайди, уни харакатга келтиради, узгартыради.

Сиёсий онг- бу фавқулотда мураккаб ва куп киррали ходисадир.

**Махсус сиёсий онг-мафкуравий жихатдан бир хил булган онгдир.** Дастреб у кам кишилар мулки хисобланади. Ундан кейин эса сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва бирлашмалар сиёсий онги ва оммавий онгни шакллантириб ривожлантириб боради. Уз максадига эришади.

Махсус сиёсий онгда бош масала- ижтимоий гурух ва катламларнинг оддий вакиллари онгига муайян курсатмаларни, айрим коидаларни ишлаб чикиш, ривожлантириш ва жорий этишдир.

**Оммавий сиёсий онг** жамиятда юз берадиган холатларни ва уни мазмунини ва характерини ифода этади. Жамият билимларнинг характерлари турли мафкуралар томонидан ишлаб чикилади ва сиёсий маданиятда мустахкамланади.

Оммавий сиёсий онг узгарувчан характерга эга партияларнинг сиёсий йули ва тантик -стратегик фаолиятида турли алгов-далговлар, турли тарихий воеалар таъсир утказиб туради.

Махсус сиёсий онг ва оммавий сиёсий онг узаро чамбарчас боғликдир. Урф-одатлар кишилар онгидаги узок сакланиб туради. Жамиятда буладиган узгаришларни биргаликда хал этиб кандайдир узгаришлар ясади.

Сиёсий онг назарий ва эмпирик даражада шаклларга ажралади.

**Назарий онг-сиёсий** характерга эга турли турдаги гоялар, концепциялар карашлардир. Унинг белгилари яхлитлик, системалашганлик, башорат килишга кобилиятли билан боғлик.

Сиёсий назариялар таълимотларни куйидаги муаммолар киради. а) сиёсатнинг маъно-мазмунли куриниши, б) конуний сиёсий тенденциялар ва жараёнлар, в) уларни келтириб чикариладиган сабаблар, г) сиёсий позициянинг реал роли, д) конунчилик маъмурий ва суд органлари томонидан кабул килинадиган карорларнинг хакиқийлиги ва уни келажақдаги окибатларидир.

**Эмпирик сиёсий онг-** бу бевосита амалиётга, сиёсий жараёнда алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг фаол иштирок этишларига асосланган сиёсий онг даражаси ва ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини булиб хизмат килади.

Ижтимоий сиёсий онгнинг мухим белгиси бу турли сиёсий кучларнинг умумий манфаатларини ифода этишга интилишидир.

Кундалик сиёсий онг- бу ижтимоий катлам ёки кишилар гурухларнинг кундалик хаётидан бевосита пайдо буладиган гоялар ва карашлар йигиндисидир.

Кундалик сиёсий онгга зиддиятлик, узгарувчанлик, тизимга солинмаганлик, хиссиёт, кайфият, эхтирослар хосдир.

Сиёсий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иктисадий маънавий-маърифий шарт- шароитлар негизида шаклланади.

Жамиятда демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустахкамланиб бориши-инсонда сиёсий онг шаклланишнинг хал килувчи

шартидир. Бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онги ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига куп жихатдан боғлиқ.

**2. Сиёсий маданият-жамият** сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири.

Сиёсий маданият узининг мазкур жихатлари билан мамлакатимизда сиёсий баркарорликни саклаш, мустахкамлаш жамиятни демократлаштириш, сиёсий, ижтимоий, иктисадий ислохотларни амалга оширишга катта ёрдам беради. Сиёсий маданият катта-кичик ижтимоий гурухларнинг умуман, инсониятнинг тарихий тараккиёти жараёнида олган сиёсий тажрибасидир.

Инсонларнинг бевосита маънавий хаёти, кадриятлари дунёкараш урфодатлари билан боғлиқ холда намоён булувчи сиёсий ходиса булган сиёсий маданият омилидир. Сиёсат оламининг буюк донишманлари Конфуций, Арасту, Афлотун, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, Макиавелли кабилар бу гояни ривожлантирган.

Сиёсий маданият тушинчасини фанга XVIII асрда немис файласуфи И. Гердер олиб кирди.

**Сиёсий маданият бу** – сиёсий хокимият ва сиёсий хаётга булган муносабат, уни идрок этишдаги сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир.

Сиёсий маданият узига хос ички тузилишига эга булиб куйидаги элементларга эга.

а) сиёсий тажриба, б) сиёсий онг, в) сиёсий хулк атвorum, с) Сиёсий кадриятлар, д) тарихий тажриба, е) Сиёсий муроса ва маъсулиятни англаш.

Сиёсий маданиятнинг шаклланишида одамларнинг жамиятдаги сиёсий реаллик билан хамкорлик килиши, уларнинг сиёсий жараёнларга кушилиши муҳим урин эгаллади.

Хозирги замон политология фанининг купчилик назариячилари сиёсий маданиятнинг учта даражаси борлигини ёклайди.

**Тафаккур килиш, англаш даражаси-шахс** томонидан сиёсат дунёсида уз урнини аниклаб олиш, у ёки бу йуналишдаги сиёсий мулжалларни ва сиёсий хулк -атвorum нормаларни аниклаб олиш нормалари юз беради.

**Фукаролик даражаси-** бунда фукароларда маданиятнинг узига хос шакли шаклланади. Инсон сиёсат дунёси билан дуч келиб мукаррар равишда жамият сиёсий тизимга нисбатан уз муносабатини билдиради, узининг фукаролик бурчини ва мажбуриятини ички туйгу билан билдиради.

**Сиёсий даражаси-инсон** ва сиёсат уртасида узаро алоказорлик жихатларидан келиб чикади. Инсон узини сиёсатнинг субъекти сифатида

кабул кила бошлайди. Инсон уз имкониятидан келиб чикиб сиёсий жараёнларни харакатга келтиршга интилади.

Сиёсий маданиятнинг «тоталитар-авторитар», «либерал-демократик» ва «шаркона сиёсий маданият» моделлари мавжуд.

**Сиёсий маданиятнинг тоталитар, авторитар модели** авваломбор шуниси билан характерланадики, унда шахсий индивидуал жихатлари сунъий бузилади. Иккинчидан жамиятда сиёсий кадриятлар ва сиёсий онг марказлашган тарзда давлат томонидан шакллантирилади ва шунинг асосида давлат манфаатлари инсон ижтимоий гурухлар манфаатларидан устун куйилади. Учинчидан сиёсий хаёт бир хил колипда кечади, жамиятнинг сиёсий маданияти хеч мукобилсиз юкоридан туриб шакллантирилади ва хоказолар.

**Сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели-** фукаролар сиёсий хукук ва эркинликларини руёбга чикаришга йуналтирилганлиги билан ажралиб туради.

**Шаркона сиёсий маданият модели-узбек** халкининг узига хослиги сиёсий маданияти куп асрлик тарихга эга.

Буюк аллома Юсуф Хос Хожибининг "Кутадгу билиг" асарида ва Сохибирон бобомиз Амир Темурнинг тузукларида бугунги кунда биз "Сиёсий маданият" нинг элементлари унинг сиёсий хулк атворлари намоён булиш холатлари хакида фикр юритган. Маълумки, ушбу гояларнинг пайдо булишида албатта халкимизнинг, аждодларимизнинг узига хос турмуш тарзи асосий рол уйнаган.

Авваломбор шаркона дунёкараш деганда биз буюк маданият сохиби булган халкимизнинг аждодлари сиёсатда шаркона ахлок масаласига катта эътибор берганлар.

Сиёсатнинг юксак ахлок асосига курилиши лозимлиги тугрисидаги мазкур гоя инсон ва давлат уртасидаги муносабатлар хакидаги узига хос тасавурлар, карашларнинг шаклланишига олиб келганки, биз уларни шаркона сиёсий маданиятнинг узига хос ахамиятини англаймиз.

Биринчидан, аждодларимиз сиёсий тафаккурида давлат раҳбари сиёсатидаги адолат ва инсон масаласи хал килувчи асосий масаласини эгаллаган. Мамлакатимиз раҳбари **И.А. Каримов** таъкидлаганидек: "Адолат ва хакикатга интилиш эса халкимиз табиатининг энг муҳим вазифаларидан биридир".

Иккинчидан, сиёсий тус-туплонларга нисбатан токатсизлик, сиёсий мувозанатни саклаш, сиёсий тинчлик ва баркарорликка, осойишталикка кучли мойиллик, сиёсий жараёнларга вазминлик, чукур фикр мулохоза билан ёндошиш, унда купчилик манфаатларини купрок хурматлаш.

Учинчидан, узининг олижаноб максадларида кундалик хаётида сиёсий раҳбарга суюниш, ундан доим адолат кутиб яшаш ва унга нисбатан чукур хурмат ва эҳтиром курсатиш сиёсий хулк атворда кучли андишавийликни намоён килиш.

Туртингидан, сиёсий эркинликни ахлок меъёрлари даражасида кабул килиш.

Бешинчидан, багрикенглик халкаро тотувлик ва ишончга кучли мойиллик.

Маълумки мустакил юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар охир оқибатда инсон манфаатларини муккамал равишда руёбга чикариш, халкимизга фаровон турмуш яратиб беришдек эзгу максадларга йуналтирилмоқда.

"Ахолимизнинг сиёсий фаолияти хали замон талаблари даражасида эмаслигини, хамон суст эканлига кайта-кайта айтишга тугри келмоқда. Тан олишимиз керак эски андозалардан тулик кутилаолмаяпмиз. Барча мухим карорлар юкоридан калбаки килиниб, бизларни бор-йуги итоатгуй ижорачиларга, баъзан уйлашмай кабул килинган карорлар курбонига айланиб мустабид тузум иллатларидан кутилиш кийин булмоқда.

Сиёсий маданиятни юксалтириш учун одамларнинг узлари хокимиятда карор кабул килиниши ижроси кандай назорат килинаётганлигини билишлари бу карорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари лозим" дейди юртбошимиз.

Давлат идораларида ишлаётган амалдорлар, сиёсий партиялар раҳбарияти, ижтимоий жамоат ташкилотлари раҳнамолари, оммавий демократик харакатлар ташкилотчилари фукаролар билан бирга ишлаш чогида уларнинг хар бирига хос ва фаолият максадига мос келадиган сиёсий муносабатларга киришишга объектив равишда мажбур буладилар. Сиёсий маданиятнинг фаоллик тури унинг субъектлари ташаббускорлиги билан фукаролар талаб эхтиёжлари даражасидан келиб чикади.

Президентимиз таъкидлаганидек: инсон хукуклари ва эркинликларини, одамларимиз онгода демократик кадриятлари янада мустахкамлаш ва ривожлантириш керак.

Маълумки истиклонимиз шарофати билан шакланаётган мамлакатимизнинг миллий мафкураси хар бир инсонга эркин фикрлаш. Уз баҳт саодати, фаровон келажаги учун эркин фаолият юритиш имкониятларини очиб бермоқда. Президентимизнинг саъи-харакатлари билан узининг назарий асосини топган Узбекистон жамиятининг мафкураси халкимизнинг манфаатини тулик равишда узида мужассамлаштирган хаётий манба булиб, майдонга чикмокда.

"Юртдошларимизнинг тафаккурини узгартиришда ислохотларни жорий этишда янгича ёндошувларни шакллантириш, жамиятимизда диний багрикенглик, миллатлараро тотувлик ва конфессиялар уртасидаги муроса мухитини мустахкамлашда мустакиллик сезиларли таъсир курсатди"<sup>1</sup> деди И. А. Каримов Олий мажлис 2-чакирик 9 сессиясида. Хар кандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган гоялар мажмуйидан иборат. Дунёкарашнинг негизини ва муайян ишонч- эътиқодининг асосини хам гоя ташкил килади. Одамлар ижтимоий синф ва катламларнинг, миллий давлатларнинг, манфаатлари ва максадлари хам мафкурада ифода этилади.

Муайян бир ижтимоий гурух ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва химоя килувчи фалсафий, сиёсий, хукукий, диний эстетик карашларнинг бутун бир тизимга мафкура дейилади.

Президентимиз И. А. Каримов мафкурага шундай таъриф берган: "Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёкараши ва манфаатига асосланган, айни вактда шу халқ шу миллатнинг келажагини кузлаган ва унинг дунёдаги урнини аник равшан белгилаб беришга хизмат киладиган, кечаги ва эртанги куни уртасида узига хос куприк булишга кодир гояни мен жамият мафкураси деб биламан".

"Сиёсий мафкура" фаннинг энг мураккаб масалаларини очиб беради. Мафкура юононча идея ва логос яъни гоялар хакидаги таълимот. 1797 йилда Француз инкилоби даврида Дестут де Трасси томонидан илмий муомалага киритилган.

Бугунги кунда хам гарб политологлари орасида мафкуравий окимларнинг манбалари ва макоми хакидаги мунозаралар тухтагани йук. Неонархизм тарафдорлари учун мафкура- оммавий онгнинг маҳсули булиб курилади. /арбда мафкурани сиёsatда бирор бир мухим воеа ва ахамиятга эга булмаган "хокимиятнинг хизматкори" сифатида тавсифловчи карашлар хам кенг таркалгандир.

XX аср бошларида М Вебер мафкурани ва бошка гоявий диний тизимларга кур-курона ишониш соҳасига киритган эди.

Бу билан у мафкуранинг илмийлигини хам инкор этган эди. Шу соҳанинг таникли мутахасиси Менгейм К. воеийликни хакикий ахволини онгли равишда яширадиган гоялар йигиндиси сифатида олиб карайди. Мафкурани айрим гурухлар ва индивидларнинг психологиясидан Р. Пейпс, Д. Брадийлар ибораси билан айтилади. Яъни психология айрим масалаларни хал этиш имкониятига эга деган маълумотни беради.

Сиёсий мафкура ижтимоий хаётда муайян функцияларни бажаради.

1) Мулжаллаш -функцияси мафкура жамият, ижтимоий равнак, шахс хокимият хакидаги фундаментал тасаввурларни узига камраб олиб, у инсон фаолиятининг маъно мазмунини тизимини ва мулжалини курсатиб беради.

2) Сафарбар этиш -фозил жамият идеалини таклиф кила туриб, сиёсий мафкура сиёсий фаолиятнинг бевосита мотиви сифатида чикади ва уни амалга ошириш учун жамиятни, ижтимоий гурухларни сафарбар килади.

3) Бирлаштириш -Таклиф этилаётган дунёнинг фундаментал картинаси чегарасида сиёсий харакатга маъно мазмун бера туриб, сиёсий мафкура унга шундай ахамият берадики, у узининг микёси билан хар кандай индевидуал ёки гурухий манфаатдан устун туради. Сиёсий мафкура манфаатларга карши туради ва шу билан бирлаштирувчи омил булиб юзага чикади.

4) Амартизациялаш -сиёсий мафкура жамият, гурухлар индивид эҳтиёжлари ва уларни кондиришнинг реал имкониятлари уртасида

номунофиклик вужудга келган вазиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга хизмат килади.

5) Муайян ижтимоий гурух манфаатларини ифода этиш ва химоялаш. Бунинг маъноси шуки, сиёсий мафкура у ёки бу гурух манфаатлари асосида вужудга келади ва уларни бошка гурухлар манфаатларига карамакарши куйишга чакирилган.

Мафкура узининг функцияларига кура фандан фарқ килади. Агар фаннинг функцияси -хакикатни излаш булса, мафкуранинг вазифаси-функцияси ахолининг оммавий сиёсий онгини эгаллаш, унга жамиятнинг бугунги ва келажақдаги тараккиётини баҳолаш, узининг меъзонларни жорий килиш сиёсий маконда кишилар мулжал киладиган максад ва вазифаларини белгилашдир. Мафкура у ёки бу идеаллар ва кадриятларни тарғибот килиш билан чегараланиб колмай балки фукаролар, партиялар ва бошка сиёсий тузилмаларнинг максадга мувофик фаолиятини рагбатлантириш билан хам шугулланади.

Мафкура узининг сиёсий функцияларини бажариши билан жамиятни ижтимоий миллий гурух манфаатлари асосида, ёки ахолининг муайян ижтимоий-иктисодий гурухларига таянмайдиган онгли равишда ишлаб чикилган максадлари негизида жипслаштириш бирлаштиришга интилади.

Сиёсий мафкуранинг амал килиш даражалари бир хил эмас. У назорат концептуал, дастурий-дрективалик ва хулк атворлик даражаларида амал килади. Назорат концептуал даражада у ёки бу, синф, ижтимоий катлам, миллий давлатнинг манфаатлари ва идеалларини очиб берувчи асосий коидалар карор топтирилади.

Дастурий дрективали даражада ижтимоий фалсафий принциплар ва идеаллар сиёсий элитанинг аник дастурлари, шиорлари ва талабларига айлантирилади ва бошқарув карорларни кабул килиш, омманинг сиёсий хулк атворини рагбатлантириш учун гоявий асос булиб хизмат килади.

Хулк атворлик фукаролар томонидан жамият сиёсий хаётида иштирок этишнинг у ёки бу шаклларида уз ифодасини топади.

Мафкура амал килишнинг ушбу даражаси "сиёсатнинг яратувчи элементи" дир.

2-Сиёсий мафкура тарихий шароит билан бөглиқ булиб-аник ижтимоий мазмунга эга булган маънавий ходисадир.

Хар бир тарихий давр узига хос ва узига мос мафкуравий окимларни илгари суради. Либерализм, консерватизм, социал-демократия мафкураларини куриб чикайлик.

Хозирги замоннинг энг йирик ва куп таркалган мафкуравий окимлардан бири-либерализмдир. Лотинча "либералист" сузидан олинган булиб, эркинлик маъносини англатади.

XVII-XVIII асрларда буржуазия синфининг мафкураси сифатида шаклланган. Бу мафкуранинг асосий коидалари Ж.Локк, Т. Гоббс, Ш. Монитеске, А.Смит ва бошталар.

Либерализм хокимиятнинг таксимланиши, сиёсий плюрализм, элиталар ракобати, конуннинг устуворлигини эътироф этади. У фукаролархукуклари ва эркинликларини таъминлашни узининг асосий максади, деб билади. Мафкуранинг барча куринишларида инсон шахсининг индивидуал эркинлиги кадр-кимматини химоя килади. Шахс эркинлигини хурмат килиш билан bogлиқ либерализм узининг гоявий курсатмаларида индивидуализм ва инсонпарварлик принципларини уйгунаштиради, мужассамлаштиради.

Иктиносидий назарияда либерализм тадбиркорлик, бозор ва ракобат эркинлигини таргибот ва ташвикот килади. Шу билан бирга бу мафкуранинг тарафдорлари шахсни бозор тизимига амал килишда салбий окибатлардан саклаш хукуматнинг вазифаси деб билади.

Мафкуранинг хар кандай куриниши узгармасдан кола олмаслиги сингари лебириализм хам узгармасдан колмади. 20-асрнинг 30-чи йилларида неолиберализм иктиносидий узгаришларнинг усиши унга хам таъсир килади. АКШ Президенти Франклини Рузвельтнинг "янги йули" билан bogлиқ у лебириализм мафкурасига катор мухим тузатишлар киритади; деб уктиради. Натижада Неолибераллар давлатнинг иктиносидий муносабатларини тартибга солади, ижтимоий муносабатларни йулга куяди.

Неолибераллар сиёсий дастурининг негизини бошкарувчи ва бошкарилаётганларнинг узаро келишуви сиёсий карорлари кабул килиш амалиётини эса демократиялаштириш ташкил этади.

Лебириализм гарб демократиясининг гоявий асосидир. Бу мафкура байробги остида АКШда "Окилона давлат", "Янги фаровонлик давлати", деб аталадиган модел яратилган. Бугунги кунда неолиберализм АКШ Демократик партияси ва бошка демократик мамлакатлардаги сиёсий партиялар фаолиятининг гоявий-назарий негизи булиб колмоқда.

Хозирги замон мафкуравий окимлардан бири консерватизмдир, бу саклаш, куриклаш деган маънони англатади. Консерватизм, либерализмнинг кораловчиси. Консерватизм XVIII асрда черков феодаллари худо томонидан урнатилган тартибларнинг бузилмаслиги гоясини илгари сурувчи сифатида пайдо булади. Унинг асосчиси Англиялик мутафаккир Э. Берк, Франциянинг жамоат арбоблари Ж. де Местр ва Л. де Банальд томонидан асосланган. Тартибининг бузилмаслиги деганда оила, миллат, дин табакавий булиниши билан bogлиқ анъанавий кадриятлар ётади. Шундан келиб чикиб консерваторлар ижтимоий тараккиёт янгиликларга нисбатан ворисликнинг устиворлигини ёклаб чикадилар. Уларнинг фикрича сиёсий принципларни урф-одатларга миллий анъаналарга, карор топган ижтимоий-иктиносидий ва сиёсий институтларга мослаштириш лозим.

Консерваторлар хар доим эгалитаризм билан bogлиқ булган "хаддан ташкари демократизмга" карши чикадилар. XX-асрнинг 70-чи йилларида консерватизмнинг тарихида янги фаза-неоконсерватизм (Д. Белл, З.

Бжевниск, Н. Подгарец, Н. Крестолл, А. Хойек) бошланади. Бу янги окимнинг пайдо булишини тадқикотчилар АКШ да Рональд Рейген бошчилигига Республикачилар, Буюк Британияда Маргарет Течер бошчилигига консерваторлар, ФРТ да Гельмут Коль бошчилигига ХДС-ХСС блокининг Хокимиятга келиши билан бөглайдилар.

Неоконсерваторлар ахолининг кам таъминланган катламлари фойдасига ресурсларни кайта таксимлаш максадида йирик капиталга солинадиган соликларга карши чикадилар.

Неоконсерваторлар фикрича, хозирги давлат кишилар учун натижалар тенглиги эмас, балки имкониятлар тенглигини яратиб бериши зарур. Янги бир мафкуравий окимлардан бири социал демократиядир XIX асрнинг охирида немис мутафаккирлари ва жамоат арбоблари К. Каутсит ва Э. Беранитин томонидан асослаб берилган. Янги жамиятга синфий кураш оркали инкилобий йул билан эмас балкий тинч эвалюцион йул билан утилади дейди. Социал демократлар даромадларни камбагаллар фойдасига кайта таксимлаш, иктисадий давлат секторини ва куплаб давлат ижтимоий дастурларини ривожлантириш билан бөглайди. У ижтимоий ислохотларни амалга ошириш йули билан жамиятни ривожлантиришни ва халкнинг фароволигига эришишни кузда тутади.

Хозирги замон мафкурлари каторида миллий мафкуралар муҳим уринни эгаллайди. Бу бошка мафкуралардан фарқ килади.

Биринчидан, миллий мафкуралар дунё мустамлакачилик системасининг емириши, ёш мустакил давлатларнинг ташкил топиши ва уларни қарамлик доирасидан чиқариш, ривожлантириш зарурияти билан майдонга келди. Хозирги кунда тенденциалар собик СССР ва бошка социалистик мамлакатлар урнида ташкил топган Республикаларда юз бермоқда.

Иккинчидан, миллий мафкуралар фактат айрим ижтимоий, иркий, этник, гурухнинг, халкнинг манфаатигина эмас, балки мустакиллик учун, миллий хаётни ривожлантириш учун кураш олиб бораётган халкларнинг дунёда тутган урни, турмуш тарзи, орзу-умидоларини интилишларини, манфаатларини акс этдиради.

Учинчидан, миллий мафкурадан у ёки бу халклар карашлигининг объектив негизларни, уларни бартараф этиш ва хукукий мустакилликка эришиш йулларни очиб беради.

Туртинчидан, миллий мафкура ёш мустакил давлатлар халкларнинг узлигини англашга, қарамлик доирасидан чиқишга, эркин, жаҳон хамжамиятида муносиб урин эгаллашига ёрдам беради.

Миллий истиклол гояси ва миллий мафкура Узбекистонни хали четлаб утмади, бу гоя ва мафкура Узбекистонда хам узининг муносиб урнини топмоқда.

Узбекистон шуро тузумининг инкиrozга юз тутиши жамиятнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ килиш ва янги жамиятни куриш масалаларни ишлаб чиқишни такозо килди. Бу масалалар И. А.

Каримовнинг "Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули" асарида асослаб берилган концепциясида уз аксини топди.

Мазкур концепцияда Узбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов миллий истиклол гоясини ишлаб чишига жуда катта хисса кушди, уни янги, фундаментал-назарий коидалар, хулосалар билан бойитди.

Узбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан асослаб берилган демократик жамият қуриш концепциясининг асосий коидаларига куйидагилар киради;

- 1) Узбекистонда демократик жамият қуриш-энг долзарб ва кечикириб булмайдиган вазифа эканлиги; бу вазифани амалга оширмай туриб ундағи танг холатни бартараф этиш, яккахокимлик тизимишинг иллатларини тугатиш ва ривожланган мамлакатлар даражасига чишиб олишнинг мумкин эмаслиги;
- 2) Узбекистонда демократик жамиятни қуриш-гоят мураккаб ва куп киррали комплекс вазифа эканлиги; бу вазифа жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ килишни ва янгилашни талаб килишлиги;
- 3) Сиёсий соҳани ислоҳ килиш ва янгилаш –Узбекистонда демократик жамият -куришнинг асосий соҳаларидан бири эканлиги; бу соҳани ислоҳ килмай ва янгилаш туриб мураккаб ижтимоий-иктисодий ва маънавий муаммоларни хал этиб булмаслиги;  
-сиёсий соҳани ислоҳ килиш давлат органлари, партия ва жамоат ташкилотлари тизимини демократлаштиришни талаб килишлиги; бу жараёнда давлат органларининг бюрократлашувига, фукаролар хаётига асоссиз, ноконуний аралашувига бархам бериш ва уларни ижтимоий тартибни қуриклари хамда ахолини хам ичкаридан, хам ташкаридан буладигин таҳдиддан химоя килиши учун кескин кучайтириш;  
-сиёсий партияни тубдан ислоҳ килиш ва янгилаш, бу жараёнда унинг якка хокимлигига узил-кесил бархам бериш ва хакикий куп партиявилик мухити, сиёсий ракобат майдонини карор топтириш;  
-нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини тубдан кайта қуриш; уларнинг давлат органларига карамлик, мутелик холатига бархам бериш ва сиёсий хаётда муносиб мавкеини эгаллашига эришиш;
- 4) Узбекистонда демократик жамият қуриш иктисодий соҳани тубдан ислоҳ килиш ва янгилаш билан боғликлиги; бу соҳада давлат мулкининг якка хокимлигидан тула –туқис воз кечиши ва мулкнинг хилма-хиллигига эришиш; фактат бозор муносабатларигина жамият ва инсоннинг реал ривожланишига олиб бориши мумкинлиги;

- 5) Узбекистонда демократик жамиятни куриш маънавий ва маданий соҳани хам тубдан ислоҳ килишни талаб килишлиги; бу соҳада бир мафкура якка хокимлигидан катъиян воз кечиш ва фикрларнинг эркинлиги, хилма-хиллигига эришиш;
- 6) Узбекистонда демократик жамиятни куриш “инкилобий сакраш” ларсиз, эволюцион, янги ислоҳотлар йули билан боскичма-боскич амалга ошириладиган вазифа эканлиги; уни инкилобий йул билан амалга оширишга уриниш оғир оқибатларга олиб келишлиги;
- 7) Узбекистонда демократик жамиятни куриш- тарихий ахамиятга молик вазифа эканлиги; бу вазифанинг амалга оширилиши натижасида Республиканинг танг холатдан чикишлиги ва Узбекистон халкига муносиб булган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаётнинг барпо этишлиги.

Бу коидалар мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсатининг гоявий-мафкуравий негизини ташкил этади.

Эвалогик сиёсий мафкуралар инсон яшайдиган атроф мухитни химоя килиниши , керакли карорлар ва конунларни кабул килиш йули билан экалогияни яхшилашни уз олдига максад килиб куйди. Диний сиёсий мафкуралар-мафкуранинг бу куриниши диний ақидаларга таянади. Уларнинг бош максади нафакат хокимиятга таъсир курсатиш балки уз хокимяларини урнатишдан иборатdir. Буни айрим мамлакатларда айникса Якин Шарк ва Осиёда (Эрон, Покистон, Афғонистон, Саудия Арабистон) мисолида куриш мумкин.

Кейинги йилларда диний мафкураларнинг таъсири катор собик совет Республикаларда хусусан Тошкентдан Шимолий Кавказ, Чеченистонда уз шакли тамоилини курсатди. Узбекистонга нисбатан ваҳобийлик хизби таҳrir таъсирини у ерларда уз таъсирини кучайтирди. Бу экстремистик оқимлардан хар доим эҳтиёт булган холда иш тутмок лозим. Улар уз шахсий гаразлий манфаатлари йулида хеч нарсадан тап тортмай хокимиятни эгаллаш учун харакат килишади.

## **6-Мавзу: Халкаро тизим ва ташки сиёсат**

### **РЕЖА**

1. Халкаро тизим: мохияти, тузилмаси ва функционал жихати.
2. Халкаро хамкорликдан халкаро хавфсизликка: гоя ва амалиёт.
3. Ташки сиёсат мохияти, максади, вазифалари ва тамойиллари.
4. Ўзбекистоннинг ташки сиёсати.

Халкаро муносабатлар халклар, давлатлар, иктисадий, сиёсий ташкилотлар уртасидаги халкаро даражадаги иктисадий, сиёсий, маданий хукукий харбий ва бошка соҳалардаги алокалар мажмуидир. Халкаро муносабатларнинг асосий субъектлари халклар, давлатлар давлатлараро бирлашмалар, умумжахон, минтакавий сиёсий хукумат ва нохукумат ташкилотлари хисобланади. Жаҳон сиёсати-халкаро хукук асосий субъектларининг сиёсий фаолияти мажмуи булиб, манфатларини уйгунлаштирган холда БМТ ва жаҳон хамжамияти ташкилотлари ва конуний урганлари оркали ифода этади хамда суверен, мустакил миллий давлатлар ташки сиёсий фаолиятини, минтакавий давлатлараро жамоат тузилмалари, бирлашмалирининг сиёсий акцияларини, умумбашарий даражада БМТ ва шунга ваколати булган бошка ташкилотларни фаолиятларини уз ичиги олади. Халкаро хаётги нисбатан карашларни дунё халклари манфатларидан чиккан холда узгартириш куп вактлардан бўён инсониятни ташвишга солиб келаётганлиги аллакачон маълум. Шаклланган ёхуд шакилланаётган карашлар тизими ранг баранг ва уларнинг хар бири алоҳида эътиборга лойик. Улар орасида бугунги кун нуктаи назаридан анча эътиборларидан бири, индивид хамда жамоалар гурухлар хошиш иродаси кандай булишидан катъий назар халкаро хаётга узаро мулокотга махқум булган минтакалар, Давлат ва гурухлар уртасида

турлихил муносабатлардан иборат тизим сифатида ёндошиш билан бодлик. Куз унгимиизда содир булаётган батамом янги жараёнлар хамда хали йечимини топиб улгурмаган анъанавий муоммаларнинг тобора чукурлашуви окрбатида дунё хар доимгидек яхлитлик ва нисбатан баркарорликка мухтож. Уз навбатида, унинг яхлитлик ва табиийликка мухтожлигини сезмаслик, сезса хам онгли равишта заддиятлар окибатига сиёсий баҳо беради маслиги боис халкаро тизим борган сари чигаллашмокда. Унинг багрида мавжуд булган табиий тизим яратувчи жараёнлар уз фаолиятларида анча зурикишни сезишибдошадар. Юкорида баён этилган объектив ва субъектив тенденциялар, онгли хамда онгсиз таъсир ва реакциялар, бир томондан халкаро тизимда узига хос иммунитет шакиллантириб, унинг бархаётлигини таъминласа, иккинчи томондан эса улар унинг мудом бекарорлигига сабабчи булади. Тажриба курсатадики, бекарорлик ва баркарорлик келтириб чиқарувчи сабабу окибатлар, омиллар жараёнларнинг муозанатини саклаб туриш яъни уларнинг балансига эришиш, бир-бирини тийиш хамда ижобий тенденцияларига шарт-шароитлар яратиш устивор даражада халкаро тизимнинг узига ва колаверса унинг маърифийлик даражасига бодлик булар экан. Илгари таъкидланганидек, халкаро тартибот тизим сифатида бир-бирига карама-карши икки жараён таъсири остида шакилланади. Улардан бири тизим парчаловчи ролини бажарса, иккинчи гурухи эса тизим яратувчилик яъни мустахкамлашга хизмат килишга каратилганлиги билан характеридар. XXI аср бусагасига жамиятнинг турли гурухлари хамда сиёсий ва илмий-интеллектуал доираларнинг карашларида хавфсизликни таъминлашнинг бирдан-бир йули халкаро ва давлатлараро хамкорлик деган гоя устиворлик касб этмоқда. Унинг тугулиши ва кенг кулоч ёйиш сабабларидан бири шундаки,

бугунгача дунёning хавф-хатарлардан зарурит даражада холи килишнинг турли-туман модел ва йуллари, услуг ва воситалари ишлатилиб келинди. Масалан, уч-турт аср мобайнида халкаро хавфсизликни таъминлашнинг турли (жумладан, миллий манфаатлар устиворлиги, кучлар баланси, мафкуравий маконлар баланси, узаро ядровий тишиш, биринчи булиб ядровий куролни ишлатмаслик, ядровий тукнашувда мутлок галабага эришиш мумкин эмаслиги тугрисидаги гоя ва бошкалар) услубларга таянилиб халкларни оммавий киргиндан саклашга эришилди. Бугун шундай бир калтис даврки, бунга мутахассислар ханузгача бирон-бир макбул белгилар тизимини яратса олганлари йук. Хар калай, дунё тараккиёти, истикболлари, манфаатлари бугунги кунда давлатлараро кенг камровли, турли даражада узаро хамкорликка таянишдан халкаро хавфсизликни баркарорликни ва тараккиётни таъминлашнинг бошка бирон-бир йули йуклиги бугун барчага аён булиб колди.

Сиёсий вазият-ижтимоий-сиёсий кучларнинг жойлашиши ва узаро муносабатини, шунингдек, бевосита сиёсат субъектларининг эҳтиёжларини кондириш билан бодлик булган сиёсий муносабатлар холатини ифодаловчи омиллар, шарт-шароит натижалари ва холати мажмуудир.

**Халкаро (минтакавий) сиёсий вазият тахлили:**

- 1) Дунёдаги (минтакадаги) кучлар нисбатини аниклаш.
- 2) Турли кучлар марказини аниклаш.
- 3) Кучлар марказининг иктисадий холатини тахлил этиш.
- 4) Кучлар марказининг харбий салоҳиятининг баҳолаш ва тахлил этиш.
- 5) Ички сиёсий вазиятни баҳолаш ва тахлил этиш.
- 6) Халкаро (минтакавий) сиёсий шарт-шароитни баҳолаш.
- 7) Халкаро (минтакавий) сиёсий вазиятни ривожланишини олдиндан баҳолай олишдан иборат булади.

Ташки сиёсат-давлатнинг ва жамиятдаги бошка сиёсий институтларнинг халкаро даражада узининг манфаатлари ва эҳтиёжларини хамда узаро манфаатлар уйгунлигини амалга ошириш буйича фаолиятидир.

Ташки сиёсат хар бир замонавий давлатнинг бош атрибути, фундаментал жихати ажралмас кисми ва функцияси хисобланади. Давлат хаётида конституциявий таянч, сиёсий тизим, сиёсий хокимят органлари, рамзлар худуд, фукаро, чегара ва миллий манфаатлар тизими сингари тушунчалар кандай мухум урин тутса, сиёсат субъекти булган давлатнинг бархаётлиги ва хавфсизлигига канчалик дахилдор булса, ташки сиёсат хам давлат учун шунчалик улкан кадрият хисобланади. Ташки сиёсат оркали давлат географик-маконий жихат касб килиш билан бирга, шунингдек узини ноёб тарихий, социомаданий, цивилизацион ва нихоят, геосиёсий яхлитлик сифатида хам номоён этади.

Ташки сиёсат сиёсий жараёнларнинг узига хос йуналиши ва макони сифатида, ички сиёсатдан айрим мухум жихатлари билан ажралиб туради. Жмладан, мамлакат ичкарисида хокимият, давлат хокимятининг шакилланиши, вазифаси, хукук ва мжбуриятлари, фаолият принциплари, амалиёти, яъни сиёсий жараёнларга нисбатан ёндашуви, муносабати ва нихоят кабул килган карорлари ва уларнинг бажариш усуллари хамда хатти-харакати ва хулки-атвори Конституция, турли-туман меъёрий-хукукий хужжатлар асосида олиб борилади. Бир суз билан ифодалайдиган булсак, умумхалк, умумсиёсий консенсус хокимиятнинг ички жараёнларига нисбатан фаолиятини белгилаб беради. Мана шу консенсусдан келиб чиккан холда давлат хокимияти конун доирасида репрессив воситалардан хам фойдаланиш имкониятига эга. Ташки сиёсатдамиллий манфаатларни таъминлаш вазифаси бугун хам шбхасиз уступорликни узида ушлаб турибди. Бошкача булиши хам мумкин эмас. Лекин бугунги боскичда бу муаммога анъанавий тафаккур

тарзи ва куникмаларидан чикиб ёндашиб булмайди. Миллий манфаатларни таъминлашнинг бугунгача ишлатилиб келинаётган услубларига нисбатан маърифийрогини излаб топиш хар бир халкаро субъектнинг бош вазифасига айланмокда. Бугунги ташки сиёsat, хар доимгидек, хар бир давлатнинг худудий яхлитлиги, чегараларининг дахлсизлигига булган хак-хукукини шшубха остига олмайди, аксинча, давлатлараро муносабатларда бу принципнинг бош тамалтош эканлигини эътироф этишга асосланади. Жумладан, глабаллашиш жараёнлари умуман олганда ташки сиёсий фаолият юритищда давлат суверенитетига бирон-бир хукукий тусикни билдиримайди. Юкоридаги жараён тенглик,ички ишларига аралашмаслик, узаро хурмат тамойилларига таянган холда ривожланса, аксинча барча давлатлар сиёсий фаолиятига кенг кулам яратиши такозо этади.

Ташки сиёsatда давлат суверенитетининг яхлит ва булинмас эканлигидан чикиб келиб, бугунги кунда унга икки хил ёндашув шаклланмокда. Бир тоифа мутахасислар ( улар халкаро сиёсий терминологияда «идеалистлар» деб аталади ) ташки сиёsatда глобал умумбашарий манфаатлар ва хавфсизликнинг миллий давлат манфаатларидан устун куйишса-бошка бир гурух мутахасислари (улар «прагматиклар» номи билан таниш) бугун ва якин келажакда ташки сиёsatида давлат суверенитети устуворликни узидан саклаб колиши маъкул ва самарали эканлиги тугрисида фикр билдиришмокда. Лекин бугунги мураккаб боскичда реал жараёнлар, ечимини кутиб турган долзарб муаммолардан келиб чикиб барча давлатлар, керак булса-узаро хамкорликни муроса-ю-мадора йули билан тан олиш, бу борада дипломатик расмиятчиликдан йироклашиб конкрет ишларини амалга оширишлари лозим булади.

## **7-Мавзу: Халкаро терроризм**

### **РЕЖА**

1. Терроризм тушунчаси.
2. Терроризмга карши курашувчи ташкилотлар.
3. Давлат терроризми.
4. Тоталитаризм ва терроризм.

Терроризм XX асрнинг энг мудхиш ижтимоий сиёсий ходисаларидан бири хисобланади.

Узбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов дунё хавфсизлигига таҳдид солиб турган "халкаро терроризм" деб аталмиш жиноий ходиса тугрисида тухталиб: Узгалар конини тукиш хисобига мумай даромад олишни истовчилар батамом йуколиб кетадиган замонлар келишига хали анча борга ухшайди. Бу тоифага кирувчи "бизнесчилар" учун кон ва нопок сиёsat коришган пул дунёнинг турли бурчакларида халкаро котилларни ёллаш ва синаб куриш мумкин булаётган можароларни рагбатлантириш борасида энг кулай восита эканлигини алохидатъкидлаб утган эдилар.<sup>1</sup>

Шуниси маълумки, XX асрнинг сунги йилларида келиб терроризмнинг шакллари ва халкаро хамжамиятдаги камрови тобора кенгайиб бормокда. Бундай шароитда сиёсий тузумнинг характеридан катъий назар, жахоннинг хар бир мамлакати терроризмга карши муросасиз кураш олиб боришга мажбур булмокда.

Терроризм хавфли жиноят сифатида жахон жамоатчилигининг диккат-эътиборини узига XX асрнинг 20-30 йилларида торта бошлаган. Айрим хусусий ва халкаро хужжатларда терроризм у ёки бу давлат худудида ижтимоий тартибни бузишга, уни ичдан ноконуний купоришга каратилган муайян гурухнинг ёки шахснинг хатти харакати деб

бахоланган. Террорчитташкилотларнинг фаолиятни кузатадиган булсак айрим олинган худудларда хокимият структураларининг осойишталигини бузушга каратилган. Одатда террорчилар уз харакатларини конуний деб хисоблайдилар, узларини аскар деб эълон киладилар, уз ташкилотлари номларида харбий атамалар ишлатадилар- масалан, Ирландия Республикачилар Армияси, Италияда кизил бригада ва хакозолар. Улар сиёсий хукуклар тугрисида гапиришни ёқтирадилар, судлар уюштирадилар, хукмлар чикарадилар ва улим жазоси куллайдилар. Тарихдан маълумки террорчилар маълум боскичда узлари хукуматга келадиган йирик ташкилотларнинг таркибий кисми булиши ёки улардан ёрдам олишлари мумкин. Истроил хукуматида юкори лавозимларни эгаллаган баъзи сиёсий арбоблар 1940 йилларда уша пайтдаги Фаластин территориясида янги давлат тузишга йуналтирилган террорчилик харакатларида фаол эштирок этганлар. Уз навбатида, куплаб фаластинликлар Фаластин Озодлик Ташкилотини куллаб, бошка давлатлар уни террористик ташкилот деб баҳолашларига карамай, конуний хукумат деб хисобладилар.

Терроризм ута салбий ижтимоий ходиса сифатида у ёки бу куринишда кадим кадимдан маълум. Кизиги шундаки, уз олдига куйган максадларига эришиш мумкин эмаслигини хисобга олгани холда террористлар тарихнинг барча даврларида кайса минтака ёки мамлакат худудида фаолият курсатишидан катъий назар халк оммасининг катлам ва гурухларини «йулдан уриш», турли йуллар билан улар калбига йул топиш тактикасига амал килиб келганлар. Мамлакат инфраструктурасида таъсири нуктаи назаридан ута салбий окибатларга сабабчи булган урта аср карокчилари ва бандитлари, янги ва энг янги даврда руй берган «ута инкилобий халк харакатлари» хам сурбетларча оддий меҳнаткаш «номидан» иш куришган. Айрим худудларда террорчи гурухларнинг узок муддатга хокимият тепасига келганлиги, хатто уларнинг халк билан

маълум бир муддатга яқдил булганлиги тугрисида тарихда куплаб маълумотлар учратамиз.

Демак, террорчилик ута салбий ходиса сифатида неча асрлар давомида фаолият юритиб келаётган булса, хар доим халк номидан гапириш, унинг манфаатларини акс эттирувчи «хакконий халкпарвар» харакат деб узини таърифлаш амалиёти унинг манфаатларини акс эттирувчи «хакконий, халкпарвар» харакат деб узини таърифлаш амалиёти унинг барча куринишларига бош хусусият булиб колаверади. Терроризм бугунги узининг энг ташкилий жипслашган даврида хам яна уша эски, унинг учун асосий никоб булиб келган амалиётга катъий содиклигини намойиш килмокда.

XX асрдаги террорчилик партизан харакатлари билан чамбарчас боғлиkdir.

Терроризмнинг бугунги холатига келадиган булсак шуни алохида таъкидлаш лозимки, узининг бир неча асрлар давомида синовдан утган ахолини айрим кисмининг онгини захарлаш йули билан хокимиятни кулга киритиш амалиётига содик колгани холда давлатга карши уз кураш шакли, услугблар ва воситаларини усталик билан узгартириб келганлигини гувоҳи буламиз. Хозир террорчилар уз фаолиятларини минтакавий ва хатто умумсайёравий даражада мувофикаштириш имкониятини кулга киритаётганлигини курмокдамиз. Президентимиз талкини билан айтадиган булсак, бутун инсоният террорчилар мисолида халкаро микёсда уюшган, керак булса бир ёки бир нечта кудратли марказлар томонидан бошкарилаётган сиёсийлашган халкаро ташкилотлар билан курашмокда.

Терроризмнинг диний экстремизм билан бугунги кунда чирмashiб кетиши эса бу анча тушунмовчиликлар, чалкашликларни келтириб чикаради, зиддиятли вазиятни вужудга келтиради.

Диний экстремизм ва халкаро терроризм бугунги кунда бири мафкура булса, иккинчиси мафкура ва сиёсий мулжалларни руёбга чикириш, амалга

оширишнинг шакли хамда воситаси сифатида бир-бирини тулдирмокда. Зотан, терроризм ошкора ноинсоний кургазма, услуб, хулк атвон, хатти-харакат ва фаолиятдан иборат жараён-тизим сифатида диний экстремизмдан кура «яхширок», яширинрок иккинчи бир таянчга эга эмас.

XX асрнинг сунги йилларига келиб терроризмнинг шакллари ва халкаро хамжамиятдаги камрови тобора кенгайиб бормокда. Бундай шароитда сиёсий тузумнинг характеридан катъий назар, жахоннинг хар бир мамлакати узаро курашувга, терроризмга карши муросасиз кураш олиб боришга мажбур булмокда.

Терроризм аста-секин халкаро жараёнга айлана бошладики, уни молиявий таъминловчи гоявий рахнамолик масъулиятини уз зиммасига олишга тайёр булган бошка яширинча гурухлар ва марказлар пайдо була бошлади. Содир булган террористик харакат ёки ходиса барча узок якин мамлакатлар учун хавфи бир хилдир.

Иккинчи жахон уруши тугагандан сунг ижтимоий хаётда, айникса илм фан ва технология жабхаларида сезиларли узгаришлар, жумладан, ядро куролига асос солиниши, ахборотдан фойдаланиш борасида эришилган улкан ютуклар хамда давлатлараро муносабатларнинг тобора чукурлашиб, куптомонламалик касб килабошлиши, натижада жахон иктисодиёти ва маданий хаётида руй берган глобаллашув сингари куплаб янги тенденциялар шароитида террорчилик харакатининг кулами ошди, деб айтиш мумкин. Мамлакатлар ва халкаро муносабатларнинг жадаллашуви, масофаларнинг кискаришидан террорчи гурухлар уз манфаатларида ойдаланишга киришдилар. Терроризм аста-секин халкаро жараёнга айлана бошладики, уни молиявий таъминловчи, гоявий рахнамолик килувчи яширин ташкилотлар хам пайдо була бошлади.

Терроризм ва экстремизм Президентимиз талкинидан келиб чикадиган булсак, хадсиз худудсиз миллат Ватан ва керак булса мафкура билмайдиган ёвуз гурухлар тимсолида намоён булмокда.

Ута жиддий ва ашаддий булган махаллий ва халкаро ташкилотлари, гурухлари ва ваколат марказлари вужудга келди. Масалан, хаво ва денгиз лайнерларини куч ишлатиш гаровга олиш, бошка мамлакатларга зурлик билан олиб кочиш, портлатиш кабиларда куринмокда. Шунинг учун БМТ ва унинг махсус сиёсий тармоклари, ИКАО, халкаро граждан Авиацияси ташкилоти, МАГАТЭ (Атом энергияси буича халкаро Вакиллик) ва бошка ташкилотлар ёрдамида халкаро терроризм, инсон хукукларини бузилишига карши каратилган халкаро хукукий ва сиёсий хужжатлар тизими 60-70 йилларда вужудга келди. Бундай хужжатлар жумласига Токиода қабул килинган "Хаво лайнери бортида содир этиладиган терор харакатига карши конвенция" 1963 йили қабул килинган.

Терроризмга карши курашга каратилган хамкорликка оид шартномалар Италия ва Туркия, Франция ва Испания, Франция ва Венесуэла, АҚШ ва Италия давлатлари уртасида хам тузилди. НАТО бош котиби Джорд Робенсон.

Узбекистон Республикаси Узининг ташки ва ички вазирликлари оркали БМТ нинг терроризмга карши курашувчи махсус халкаро ташкилотлари, Европа кенгashi, Итерпол ва хоказо, уюшмалар билан узаро хамкорлик хакида шартномаларни имзолади ва унга риоя килади.

Ахборот ва реал фактлар шуни курсатадики айни шу кунларда мамлакатимиз хавфсизлигига реал хавф солаётган чегараларимиз ёнгинасида харакат килаётган террорчилар харакатида Чеченистон Худудида узок вактлардан буён олиб борилаётган сепаратистик жангчиларга хос булган харбий тактик жихатлар содир булмокда. Буларга "янги кучлар" етказиб бериш масаласидан хам шугулланаётган кучлар мавжуд.

Дунёга реал таҳдид солиб турган террорчилик харакатини Усама бин Ладен Хаттаб Басаев, Бароев, Гелаев, Жума Намангоний, Тохир Йулдош ва бизга номлари маълум булмаган террористларнинг йулбошчилари

томонидан моддий-сиёсий харбий ва маънавий куллаб куватламокдалар. Булар бир-бирлари билан ахён ахёнда учрашиб турадилар.

Ачинарли жойи шундаки улар турли жангчилар тудаси куринишда булсада, баъзан заарсиз "гуманитар харакат ва йуналиш" га эга булган жамгармалар, аллакандай "инсонпарвар"лик ёрдами дейилган манбалар билан рагбатлантирилмокда. Уларнинг "Косаво озодлик армияси" деб аталувчи террористик харбий гурухга хамда чечен жангчиларига яширин ёрдам берилмокда. Хар нима булганда хам Узбекистон халклари хам доим бундан огох булишлари керак.

Кейинги йилларда диний экстремизмга таянган халкаро терроризмга кескин зарба бериш миллий хавфсизлик стратегиямизнинг устивор йуналишлариdir.

Узбекистон ва жаҳон халки осоишталиги ва ривожланишига карши қаратилган халкаро терроризмни бугун хар қачонгидан кура кучайтирганлигини этиборга олиб сиёсий раҳбарият барча чора ва тадбирларни амалга оширмокда.

Бу борада узок ва якин давлатлар билан хам хамкорлик албатта зарур худудий туташ булган мамлакатлар билан хамкорлик килиш, узаро ишонч асосида иш юритиш хар доим катта ахамият касб этади. У ёки бу муаммоларни хал этишда биз бу жараённи Гарбий Европа, Евроатлантика, Осиё ва Тинч Океан ва араб дунёси сингари геотарихий минтакаларда сиёсий фаолияти, хулк атворини келажак режаларида кузатиб бормок керак.

Давлатнинг шу соҳадаги сиёсий стратегиясини кузатиб бориб Президентимиз 2000 йилнинг узида МДХ давлатларини олий даражадаги саммитларида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Душанбе ва Бешкент учрашувлари "Шанхай Бешлиги" давлатлари бошликларининг Душанбеда учрашуви ва жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот конференцияларида диний экстремизм ва

халкаро терроризм бир марказдан бошқариллаётганлиги уларга маълумдир.

Узбекистон раҳбарияти халкаро терроризмга карши курашнинг бошка мухим йул ва воситаларидан хам унумли фойдаланишга интилмокда. Жумладан И. Каримов жаҳон жамжамияти 1999 йил Истамбул ва Мустакил давлатлар Хамдустлиги ташкилотига аъзо булган давлатлар раҳбарларининг 2000 й. Москвада, 2002 йил 5-6 октябрда Душанбеда, 7-8 октябрда Кишенёвда учрашувларида хам давлатларнинг халкаро терроризмга карши курашда хамкорлик килиши зарурлигини таъкидлаган.

**8-Мавзу: Минтакавий можаролар ва сиёсий ечимлар.**

**Халкаро хавфсизлик: баркарорлик ва тараккиёт.**

## РЕЖА

1. Минтакавий можароларнинг объектив ва субъектив сабаблари.
2. Минтакавий можароларнинг куринишлари ва сиёсий ечимлари.
3. Халкаро хавфсизлик: тизим, тартибот.
4. Халкаро хавфсизликнинг дунё баркарорлиги ва тараккиётнинг фундаментал омилига айланиши.
5. Узбекистон Республикаси миллий хавфсизлик стратегияси: ишлаб чикиш жараёни, амалиёти.

Минтакаларда беркарорликни вужудга келтириб кейинчалик мингминглаб, унг минглаб гунохсиз одамларнинг хаётига зомин буладиган можароларга айрим тор доирадаги гурухлар манфаати сабаб булмокда. Дунёда руй берадиган айрим ижтимоий иктисадий камчиликлар улар учун баҳона булмокда.

Минтакавий можаро иштирокчиларининг дунёкараши, мағкураси, режалари хаддат ташкари қуи даражада булиши билан катор маърифатсизликлари аниқдир. Кайси минтакада можаро келиб чикадиган булса унинг заминида кандайдир ички ва ташки сабаблар таъсири остида шу минтакада вужудга келган диний этник зиддиятлар ёки булмаса у ёки бу кучлар манфаати сабаб булади.

Албатта асосий максад бу зуравонликдир ёки уша минтака ахолисини узига каратиб олиш умуман уша максад ва истак амалга ошгунга кадар купорувчилик ишларини олиб борадилар.

Масалан: Толибонларнинг Афғонистон халкларга келтирилган зарарни хеч нарса билан таккослаш мумкин эмас. Норвегия тинчлик институтининг профессори И. Талтунгни айтишига зуравонлик ноҳаклик сиёсий ноаниклик натижасида мамлакат вайронага айланади.

Минтакавий можаролар турли шакл, йуналиш, мулжал ва тузилмалар касб этмокда. Бугунги кунда энг куп таркалган шакл ва куринишлари: ватандошларо, яъни фукаровий урушлар, диний миллатчиликка асосланган тукнашувлар ва сеператизмдан иборат. Фукаролар уруши минтакавий можаролар орасида сиёсий жихатдан энг самарасиз булиб хисобланади. Нима учун деганда Афғонистон можароси шунчалик чукурлашиб, ахоли учун бир куникмага айланиб кетдики, эндиликда хар кандай сиёсий кучлар хокимиятга эга ёки аксинча эга эмаслиги ахолини хатто кизиктирмай куйган бу сиёсий бепарволик деб аталади. Бу эса уз навбатида сиёсий хокимиятнинг бир гурух жиноятчи сиёсийлашган гурухининг кулига утиши учун кулай имкон яратиб боради. Бу эса ахолида худуд Ватан, чегара, давлат рамзларига нисбатан хурмат эътибор хисси пасайиб, мамлакат турли-туман жиноятчи гурухлар учун мумай даромат ва кайфи-сафо майдонига айланган наркабизнес, терроризм, диний экстремизм унсурлари учун халкаро алока нуктаси вужудга келди. Бу факат айрим олинган минтакада эмас балки бу дунё халкаро хамжамият хавфсизлигига хавф-хатар келтириб чикаради.

Масалан 11 сентябр 2001 йилда АҚШ да булган воеа 60 м-д доллар заарар келтирди. Халок булганларнинг оила аъзолари ва якинларига туланадиган сугурта тулови 5 м-д долларни ташкил этади.

Миллатлараро можаро натижасида Болкон минтакасида жойлашган Косова атрофида булган можорони кузатганимизда талофат курган Югаславия, Сербия ва Косоводан ташкари, ундан кушни давлатлар жумладан Македония, Болгария ва маълум даражада Албания сингари бир мунча заиф давлатлар хам зарар курадилар. 1999 йил 76 кун давом этган

Югославияга берилган хаво ракета зарбаси туфайли Сербиядан күшни Македония худудига ярим миллиондан ортик тинч ахоли бола-чакасини олиб зурга кочиб кутулди. Серблар ва Албанлар икки томондан хам катта талофатга дуч келишда. Бу эса барча европаликларнинг "Хамкорликдан хавфсизликка" шиори европаликларни калбida ишончсизлик уйготди. Европанинг маърифий ривожланишига зарба берди.

Сепаратизмга асосланган ноконуний ва легитимликка эга булмаган хаттти-харакатлар, унинг сиёсий ташкилий натижаларини биз жумладан Эфиопия, Россия ва кайсиdir маънода Испания ва Индонезия давлатлари мисолида қуришимиз мумкин. Эфиопиянинг собик провинцияси булган Эритерия узок давом этган урушдан кейин мустакил беб эълон килинган, ахоли хоҳиш иродасига карши шаркий Темор Индонезия тасарруфидан чикан мустакил давлат деб эълон килиниши сепаратист кучлар томонидан Чеченистонинг "Ичкерия" Республикаси номи остида мустакил давлат давлат деб эълон килинганлиги бунга мисол була олади.

Вахоланки БМТ 50 йиларнинг охирида кабул килинган "Деколанизация хакида тарихий декларация" да мустакил давлатларнинг эълон килиниши факат икки томоннинг розилиги хамда халкаро хамжамиятнинг маъкуллаши асосида содир булиши кайт этилган.

Ана шундай нуфузли масалага зид булган хатти харакат узок давомли харбийсиёсий тукнашувларни келтириб чикириш хамда бунинг бошлиқ минтакани ва колаверса бутун дунёни бекарорлаштириш хавфини келтириб чикириш мумкин. Бу харакатни албатта олди олиниб жабрланувчи давлатларга якиндан келиб ёрдам бериши шарт. Югославияни Президенти Милошевич албан миллий давлатига жуда катта талофат келтирди. Хозирги кунда 2 йил давомида жавобгарлик курсисида утирибти. Косово халки кирилиб кетса хам Милашевич гунохини тан олмаяпти. Бу масалани халкаро трибунал хал этади.

Жаҳон тажрибаси курсатадики, минтакавий можаролар сиёсий ечими энг мураккаб булиб. Албатта хар бир масала мунозара оркали хал этилса мамлакат ичкариси ва ташкарисига зиён етказилмайди. Авваламбор хар бир можарони имконияти борича олди олиниши зарур. Масалан: Фаластин давлатига Истроил давлати муносабати узок вактлардан бери давом этиб келмокда. Бунга албатта Бирлашган миллатлар ташкилоти аралashiши шарт.

90 йилларнинг бошларида дунё таракиётида демократия томон кескин бурилиш тоталитар давлатлардан мерос колган маконларда хали кенг кулоч ёйиши халкаро можаролар, айникса минтакавий можароларга аралашиш анча кийинлашиб бормокда, шунинг учун хам бетиним вариантлар изланади, топилган вариантлар торози палласига куйиб маърифий булим, ечим буни хал килади.

Агар бирор бир векеа содир булса фавкулотда сиёсий ечим иштирокчиларидан сиёсий вазминлик, реализм, адолат тарозисида улчаб барча инсониятлик фазилатларини ишга солмок керак.

НАТО томонидан хаводан туриб зарба беришга келишилгандан анча илгари Югославияда можароли холат юз бераверди, натижада хатто европа хавфсизлиги ва Хамкорлик ташкилоти хам уз ваколати гурухлари оркали можароларни ечимини ечиш максадида жиддий масалалар оғзаки айтилди.

Лекин вазият кескин узгариб Евроатлантика Иттифокига аъзо давлатлар Югославияга нисбатан ультуматум эълон килиб бир карорга келишди. Агар Югославия уз можорасини ёки Милошевич манман, худбинлигидан кайтмаса, Белградга хаводан туриб зарба беришни бошлиш буни бутун дунё куллаб кувватлади.

Худди шундай масала Афғонистонда хам юз берди. АҚШнинг аралашуви натижасида вазият сиёсий узгарди. Хозир хам можароларни

сиёсий ечимини топиш максадида АКШ салдатлари Афгонистонда турибидилар.

Хар бир можаро албатта сиёсий мулокат оркали, музокараплар оркали хал этилсагина мамлакат күшни давлатлар билан эркин алокани олиб боради. Минтакадаги айрим давлатларда хам можаро юз берадиган давлатлар каторида анча салбий окибатлар юз бериши мумкин.

XX асрнинг охири ун йиллигига ер шарида шу кадар улкан силжишлар содир булдики, у алкаро хамжамиятнинг сиёсий, социал ва керак булса, маънавий асосларини кескин узгартириди. Табиийки, бундай шароитда купгина анъанавий ижтимоий ва сиёсий кадриятлар, шу жумладан, хавфсизлик, унинг мохияти ва функциясига батамом бошкacha ёндошув ва муносабатлар шаклланмокда. Хавфсизлик тизими масаласи хам ана шундай муносабатлар асосида шаклланмокда. Жамият хавфсизлигига янгича ёндошилар экан, биринчи навбатда, суз анъанавий хавфсизлик тизимини кандайдир таъмирлаш тугрисида бормасдан, балки унинг урнига батамом янги тизимни тугрисида бориши керак. Албатта, бу эски тизим туплаган тажриба ва сабабларнинг мутлак инкор этилиши эмас, балки булажак янги халкаро хавфсизлик тизимининг илгаригиги тажрибага таянган холда янада самаралирок фаолият юритишини такозо этади. Дунёнинг барча катта кичик давлатлари, бордию уларда узларини асраб колиш истаги ва хохиш-иродаси булса, бир бири билан турли-туман узаро муносабатлар доирасида, яъни хамжихатликда, хамкорликда яшашга махкумдирлар. Шундай экан, халкаро хавфсизлик тизимиға кирган хар бир давлатнинг баркарорлиги ва такомиллашишидан туб манфаатдордир. Уларнинг хар бири ана шу тизимнинг мустахкамланишига хизмат килади ва умумий максад хамда манфаат олдида ва колаверса, бир-бирининг олдида масъулдирлар. Демак, тизим сифатида халкаро хавфсизлик унга даҳлдор булган барча субъектларнинг хохиш-иродаси, хулк-атвори ва мулжалларига боялик.

